

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

 www.mv-vatanparvar.uz

 vatanparvar09@mail.ru

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

# VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш  
учун QR-кодини  
сканер қилинг.

## ҚАРОФИДА ВАТАН СУВРАТИ



2020 йил 4 декабрь, №49 (2904)

Капта лейтенант Азиз НОРКУЛОВ сурхат олган

4-5-БЕРДА



КИЧИК ГУРУХ –  
АРМИЯ ТИМСОЛИ

20-БЕРДА



МУРОСАСИЗ МУСОБАҚАДА  
КУЧЛИ СТАРТ

Мудофаа вазирлиги тизимиға оид сўнгги янгиликлар  
билин қўйидаги манзиллар орқали танишинг:



t.me/mv\_vatanparvar\_uz  
t.me/mudofaa\_press



facebook.com/UzArmiya



instagram.com/uzbekistanarmy

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринbosари Дмитрий Козак бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Мулоқот давомида бўлажак икки томонлама ва кўп томонлама форматдаги учрашувларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш масалалари кўриб чиқилди. Ушбу тадбирлар кун тартибини аниқ амалий мазмун билан бойитишга алоҳида эътибор қаратилди. Халқаро сиёсатнинг айrim жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Икки томонлама муносабатларнинг жорий ҳолати ва истиқболлари, минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Мулоқот сўнгига давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва кенг кўламли шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга интилиш қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.



9 | ee

«БИР КЕЧА –  
МИНГ КЕЧА»

«ГОЛИБНИ  
АНИҚЛАШ ҚИЙИН  
КЕЧДИ»

13 | ee

УНУТИЛМАС  
ҚАҲРАМОНЛИКЛАР

17 | ee

ТРИ ЧЕМПИОНА  
В ОДНОЙ ВОИНСКОЙ  
ЧАСТИ

## 8 ДЕКАБРЬ – КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

“ Ҳар бир давлат Конституцияси унинг суверенитети, миллий давлатчилиги ривожи, фуқароларининг ҳаёти ва турмуш тарзининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берадиган асосий қонунидир. Баш Қомусимиз ҳам том маънода халқимизнинг инсон ҳуқуқларига содиқлигини ифода этиб, ижтимоий адолат ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига асосланган инсонпарвар давлат барпо этишнинг мустаҳкам йўлини белгилаб берди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий пойдеворини яратди.

Қўлга киритилган ютуқлар ва эришилган мэрралар замирада халқимиз руҳияти, маънавияти ва орзу-интилишларига ҳамоҳанг яратилган Конституциямиз тургани айни ҳақиқат. Зеро, жамиятимизнинг барча соҳаларида эл-юрт тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, Ватанимиз тараққиётини кун сайн юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш борасида эришган улкан мудафакиятларимиз пойдеворида Конституциямиздаги ҳаётӣ нормалари мужассамлигини барчамиз чуқур ҳисэтмоқдамиз.

Баш Қомусимиз энг ривожланган давлатларнинг конституциявий тажрибасини ҳамда тарихда синалган умуминсоний қадриятларимизни ўзида мужассам этган бўлиб, инсон ҳуқуқларининг демократик хартияси сифатида инсонпарвар ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг стратегик дастури вазифасини ўтаб келмоқда.

Айтиш жоизки, Асосий қонунимиз мудофаа органлари тизимининг ҳам

# ФАРОВОНИГИМИЗ ВА ТИНЧЛИГИМИЗ АСОСИ



янгидан шаклланишига, самарали фаолият кўрсатишига оид давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати кўлмани белгилаб, халқимиз манфаатлари, юртимиз фаровонлиги ва хавфислизигидан келиб чиқсан ҳолда мамлакатимизнинг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги мақомини ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берди.

Ўзбекистон Республикасини мудофаа қилиш, хавфислизигини таъминлаш Конституция, қонунлар ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва принциплари асосида амалга оширилмоқда. Жумладан, Асосий қонунимизда миллий армиямизга, Қуролли Кучларимизга бағишлиланган алоҳида ҳуқуқий нормалар мавжуд. Зеро, армиямиз юртимизнинг хавфислизиги, ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати ҳисобланади ва бугун Асосий қонунимиз ҳамда унинг асосида яратилган ҳарбий соҳага доир қонунлар халқимиз хавфислизиги ва давлатимиз мудофаасини таъминлашда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямизнинг 26-боби «Мудофаа ва хавфислизик» деб номланаб, 125-моддада Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфислизигини ҳимоя қилиш учун тузилиши белгиланган. 126-моддада эса Ўзбекистон Республикаси ўз хавфислизигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эгалиги кўрсатилган.

Шу асосда Қуролли Кучларимиз фақат мудофаа мақсадида ташкил қилиниб, уруш ва қуролли можароларнинг олдини олиш, Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг хавфислизиги ва тинч ҳаётини ҳимоя қилиш учун ташкил этилган ҳарбий бирлашмалар, қўшилмалар ҳамда

қисмларни, шунингдек, бошқа ҳарбий тузилмаларни ўз ичига олади.

Жумладан, 2018 йил 9 январдаги қонун билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий гвардиясининг, давлат хавфислизик хизматининг, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бошқарув органлари, кўшинлари, ҳарбий тузилмалари ва муассасалари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркиби ҳисобланади.

Конституциямизнинг бекиёс ўрни армиямиздаги изчил ислоҳотлар ва уларнинг самарасида ҳам яқол намоён. Ҳарбийларимиз ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси ҳам таъминланаб, бу борадаги ҳуқуқ ва имтиёзлар қатор қонун ҳужжатлари билан кафолатлаб қўйилган.

Ўз навбатида, хизмат бурчини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳарбийларимизни доим ёдга олиш, уларнинг оиласида мудофаа қўрсатиши, Конституциямизда таъқидланганидек, инсонийликнинг олий қадрият даражасига кўтарилилган, мамлакатимизнинг, халқимизнинг ўз фидои фарзандларини ҳеч қачон унумаслигидан далолат. Қолаверса, Ватан ҳимояси йўлида мардлик қўрсатган ҳарбийларимизнинг оила аъзолари ҳам доимо давлатимиз эътиборида.

Армияни армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишига асос бўладиган, жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч – Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган инсонлар. Шу маънода, сўнгги тўрт йил ичиде ҳарбий соҳада кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилди, армия сафларида хизмат қилаётган, юрт ҳимоясини ўзига бурч ва касб деб билган ҳар-

бийларимизни янада кўпроқ ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди, борлари тақомиллаштирилди.

Сир эмаски, ҳозирги дунёда ғоявий, ахборот ҳуружлари авж олаётгани ёш авлод қалбига ватанпарварлик, бурчга садоқат, миллий ғурур туйғуларини чуқур сингдиришни талаб этади. Бунда Асосий қонунимизни, унинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, ёшлар тафаккурига сингдириш муҳим ҳисобланиб, ёшлар нафақат конституциявий ҳуқуқларини, балки бурч ва масъулиятини англаши лозим.

«Прокуратура тўғрисида»ги қонунга биноан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириша иштирок этиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири саналади. Бу борада Ҳарбий прокуратура органлари томонидан ҳам тегишили вазирлик ва кўмандонликлар билан ҳамкорликда Конституциямиз қабул қилинганинг 28 йиллиги муносабати билан ҳарбий қисмлар ва муассасаларда маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тарғибот тадбирлари, «Конституция билимдонлари», «Биз Конституцияни биламиз» каби шиорлар остида викториналар ўтказилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, тинчлигимизни барқарор сақлаш ва фуқароларимиз фаровонлигини таъминлашда Конституциямизнинг ўрни бекиёс. Унинг ва у асосида қабул қилинган қонунларнинг меъёрларини ҳаётимизга самарали татбиқ этишга муносаб ҳисса қўшиб яшаш эса ҳар биримиз олий саодатdir.

**Аддия полковниги  
Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Ҳарбий прокурорининг  
биринчи ўринбосари**

“ Мустақил Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи республикамиз Конституцияси қабул қилинганинг 28 йиллигини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эришилган ютуқлар билан кутиб олмоқда. Конституция истиқлол маҳсули, айни вақтда уни ҳимоя қилувчи қалқон, жамиятимизнинг асосий ҳуқуқий пойдевори ҳисобланади.

Конституциямиз қабул қилинганидан бўён орадан ўтган вақт шу ҳақиқатни исботламоқдаки, Асосий қонунимизда акс эттирилган барча қоидалар, ҳуқуқий нормалар фуқароларимизнинг кундалиқ ҳаётида яқол ўз ифодасини топмоқда.

Ҳар бир инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас ва давлат ҳимоясига олинган. Конституциямизнинг аксарият моддалари ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бағишлиланган. Жумладан, Баш Қомусимизнинг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Инсонни улуғлаш, уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш ҳамда олий қадрият сифатида белгилаш Конституциямизнинг асосий ғоясига айлантирилган.

Конституциямизда белгиланган нормаларга ҳамоҳанг ҳолда ўтган даврда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг яхлит тизими яратилди, узлуксиз таълим тизими барпо этилди, инсон ҳуқуқларини таъминлаш мониторинг олиб бориш тизими ишлаб чиқилди, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг нодавлат тизими, фуқаролик жамияти институтлари фаол ривожлантирилди ҳамда бу соҳада самарали халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Конституциявий ҳуқуқ тараққиётининг яна бир муҳим жиҳати давлатимиз ривожланишида инсонпарварлик тамойиллари тобора мустаҳкамланиб, жиной жазоларни либераллаштириш,

ижтимоий адолат, жазонинг муқаррарлигини таъминлашга эришиш борасида салмоқли ютуқларга эришганимиздир. Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим кафолати сифатида намоён бўлади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг ҳаётӣ муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, жамиятда қонун устуворлиги, қонунийлик ва адолат, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатларо ва фуқароларро тотувликни қарор топтириш мақсадида давлат органларининг аҳоли билан очиқ, тўғридан-тўғри мулоқоти йўлга қўйилгани бунга яқол мисолидир.

Мухтасар айтганда, инсон ҳуқуқларига оид халқаро принцип ва стандартларни ўзида муҳассам этган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ва принциплари миллий қонунчилик негизини ташкил этади. Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган бosh ҳужжатdir.

**Шоҳруҳ МАЖИДОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Конституциявий суди Раиси ёрдамчиси.  
Саодат МУҲАМЕДОВА,  
Конституциявий суд эксперти**

**МИЛЛАТ КҮЗГУСИ**

# ИШ ЮРИТИШ ҲУЖЖАТЛАРИ: ТАСНИФ ВА ТУРЛАР

Маълумки, сўнгги йиллар ичидаги республикамиздаги барча вазирлик ва идоралар таркибида иш юритиш, шунингдек, барча идораларро ҳужжатлар айланниши давлат тилида бўлишини таъминлаш ва бу жараёнда давлат тилига қатъий амал қилишини назорат қилиш масалаларига қаттиқ ётибօр қаратилмоқда.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби, Қуролли Кучлар тизимида давлат ҳарбий ташкилотларида ҳам давлат тилида иш юритиш қофозлари ҳамда ҳужжатлар турли хил бўлиб, улар миқдор жиҳатидан кўплиники ташкил қиласди.

Ҳарбий бўлинмаларда у ёки бу масалага оид тайёрланадиган хизмат ҳужжатларининг мақсади, йўналиши, ҳажми, шакли ва бошқа бир қатор сифатлари ҳам турли кўриниш касб этади. Шундай экан, хизмат ҳужжатлари тилига бўлган умумий талаблар билан бир қаторда ҳар бир туркум ҳужжатлар тузиш ишига қўйиладиган кўпгина тил билан боғлик талаблар ҳам мавжуд.

Ҳужжатшуносликда ҳужжатлар бир неча ўзига хос хусусият ва жиҳатларга кўра таснифланади.

Хусусан, иш юритишдаги ҳужжатлар, энг аввало, тузилиш ўрнига кўра тасниф қилинади. Бу жиҳатдан ички ва ташки ҳужжатлар фарқланади. Ички ҳужжатлар айни идора (ҳарбий ташкилот)нинг ўзида тузиладиган ва шу идора ичидаги фойдаланиладиган ҳужжатлардир, майян идорага бошқа ташкилот ёки айрим шахслардан келадиганлари эса ташки ҳужжатлар ҳисобланади.

Ҳужжатлар мазмунига кўра икки турли бўлади:

содда ҳужжатлар майян бир масалани ўз ичига олади;

мураккаб ҳужжатлар икки ёки ундан ортиқ масалани ўз ичига олади.

Мазмун баёнининг шакли жиҳатидан хусусий, намунавий ва қолипли (ёки трафаретли) ҳужжатлар фарқланади.

Матнинг ўзига хослиги, бетакрорлиги, ҳамиша ҳам бир андазада бўлмаслиги хусусий ҳужжатларнинг асосий белгилари (масалан, хизмат ёзишмалари ва шу кабилар) саналади. Бундай ҳужжатларда ҳам майян доимий таркиб мавжуд бўлса-да, бевосита мазмун баёни бир қадар эркин бўлади.

Намунавий ҳужжатлар бошқарувнинг майян бир хил вазиятлари билан боғлик, бир-бирига ўхшаш ва кўп тақорланадиган масалалар юзасидан тузилган матнларни ўз ичига олади.

Қолипли ҳужжатлар, одатда, олдиндан тайёрланган босма иш қофозларига ёзилади, бундай ҳужжатларда икки турли ахборот акс этади, яъни ўзгармас (олдиндан тайёр босма матнда ифодаланган) ва ўзгарувчи (ҳужжатни тузиш пайтида ёзиладиган) ахборотлар; шунинг учун бу тур ҳужжатларга нисбатан кўпинча «ёзмок» эмас, балки «тўлдирмоқ» сўзи қўлланилади. Ўз ўринда айтиш лозимки, ҳужжатларнинг қолипли турлари доирасини кенгайтириш - иш юритишни таомиллаштиришдаги мақбул йўллардан биридир. Чунки бу тадбир ҳужжат матнларини бир хил қилиш ва ҳужжат тайёрлаш учун кетадиган вақт ҳамда меҳнатни анчагина тежаш имкониятини беради. Қолипли ҳужжатлар сирасига, масалан, ойлик пул таъминоти, иш ҳақи ёки хизмат жойи тўғрисидаги маълумотномалар, айрим далолатномалар, хизмат сафари гуваҳномалари ва яна бошқа кўплаб хизмат ҳужжатларини киритиш мумкин.

Ҳужжатлар тегишлилик жиҳатига кўра, хизмат ёки расмий ҳужжатлар ва шахсий ҳужжатларга ажратилади.

Хизмат ҳужжатлари тайёрланнишига кўра, вазирлик, идора, ташкилот, бирлашма, қўшилма, муассаса ёки мансабдор шахсларга тегишли бўлса, шахсий ҳужжатлар якка шахслар томонидан ёзилиб, уларнинг хизмат фаолиятларидан ташқарида ёки жамоат ишларини бажариш билан боғлик масалаларга тегишли бўлади (масалан, ариза, шикоят, талабнома ва ҳ.к.).

Ҳужжатларнинг тайёрланниш хусусияти ва даражаси ҳам бениҳоя мухим. Бу

жиҳатига кўра ҳужжатлар қўйидаги таснифланади: қоралама; асл нусха; нусха; иккичи нусха (дубликат); кўчирма.

Аксар ҳужжатлар дастлаб қоралама нусхада тайёрланади, бу ҳужжат мулалифи, яъни тайёрловчининг кўлёзма ёки компьютерда кўчирилган дастлабки нусхасидир. Бу нусха тузатилиб, қайта кўчирлиши мумкин. Айтиш жоизки, қоралама ҳужжат ҳуқуқий кучга эга эмас. Асл нусха ҳар қандай ҳужжатнинг асли, биринчи расмий нусхасидир. Асл нусханинг айнан қайта кўчирилган шакли нусха деб юритилади, одатда, ўнг томонидаги юқори бурчагига «Нусха» деган белги кўйилади.

Ҳужжатчиликда, шунингдек, айнан (факсимил) ва эркин нусхалар ҳам фарқланади. Айнан нусха асл нусханинг барча хусусиятларини – ҳужжат зарурий қисмларининг жойлашиши, мавжуд шаклий белгилар (герб, юмaloқ муҳр, тўртбурчак муҳр, нишон каби), матнаги босма, ёзма ҳарф шакллари ва шу кабиларни аник ва тўлиқ акс эттиради, масалан, фотонусхани ёки компьютерда чиқарилган нусхани шу тур ҳужжатлар қаторига киритиш мумкин. Эркин нусхада эса ҳужжатдаги ахборот тўла ифодаланса-да, бу нусха ташки ҳусусиятлари жиҳатидан бевосита аслига мувофиқ келмайди, яъни эркин нусхада асл нусхадаги муҳр ўрнига «муҳр» деб, имзо ўрнига «имзо» деб, герб ўрнига «герб» деб ёзб кўйилади ва ҳ.к.

Баъзан майян ҳужжатга тўлалигича эмас, балки унинг бир қисмига ёхтиёж туғилади. Бундай ҳолларда ҳужжатдан нусха эмас, балки кўчирма олинади (масалан, баённомадан кўчирма, буйруқдан кўчирма ва ҳ.к.). Нусха ва кўчирмалар, албатта, штаб, кадрлар бўлими, нотариус ва шу кабилар томонидан тегишли тартибда тасдиқланган тақдирдагина ҳуқуқий кучга эга бўлади. Асл нусха йўқолган ҳолларда ҳужжатнинг иккичи нусхаси берилади, иккичи нусха асл нусха билан бир хил ҳуқуқий кучга эга бўлади.

Мазмур-бошқарув фаолиятида хизмат мавқеига кўра ҳужжатлар ҳозирги кунда, асосан, қўйидагича таснифланиши мумкин: ташкилий ҳужжатлар; фармойиш ҳужжатлари; маълумот-ахборот ҳужжатлари; хизмат ёзишмалари.

Ташкилий ҳужжатлар мазмунан ва зирлик, идора, бирлашма, қўшилма, ташкилот ва муассасаларнинг ҳуқуқий мақоми, таркибий тармоклари ва ҳарбий хизматчилиги (ходимлари), бошқарув жараёнида шахсий таркиб (жамоа) иштирокининг қайд этилиши, бошқа идоралар ва ташкилотлар билан алоқаларнинг ҳуқуқий томонлари каби масалаларни акс эттиради. Ҳарбий хизматчининг гуваҳномаси, хизмат сафари гуваҳномаси, таътил варақаси, йўриқнома, низом, қоида, устав, ташкилий-штат тузилмаси, штатлар сони, штат жадвали, таътил жадвали, контрактлар ана шундай ҳужжатлар сирасига киради.

Фармойиш ҳужжатлари, асосан, вазирлик, бирлашма, қўшилма, ташкилот ва муассаса раҳбари (қўмандон, командир)нинг буйруқ, кўрсатма, фармойиши ҳамда қарорлари асосида юзага келади.

Маълумот-ахборот ҳужжатлари анчайин катта гурухни ташкил қилиди, улар иш юритиш жараёнида, айниқса, кўп ишлатилади. Бу гурух ариза, баённома (баён), билдиришнома (билдириги), далолатнома, ишончнома, васиятнома, маълумотнома, тавсифнома, тавсиянома, таклифнома, таржима ҳол, тушунтириш хати, эълон, хисобот каби ҳужжатларни ўз ичига олади.

Ҳизмат ёзишмалари мазмунан хилма-хил бўлади. Уларда ҳарбий бўлинма хизмат фаолиятнинг турли масалалари билан боғлик, талабнома, таклиф (таклифнома), хатлар (кафолат хат, илова хат, сўров хат, илтимос хат, тасдиқ хат, фармойиш хат, эслатма хат), телеграмма, телефонограмма кабилар акс эттирилади.

Бу маънода хизмат ёзишмалари ҳужжатларнинг юқорида кўрсатилган

гурухлари билан узвий алоқадордир. Шуларни ҳисобга олиб, хизмат ёзишмалари ҳозирги замон ҳужжатшунослигига мазкур гурухлардан кейин алоҳида гурух сифатида таснифланган ва бу бизнинг фикримизча, мантиқан ўринли.

Хизмат ёзишмалари бўйича Қуролли Кучлар тизимида вазирliklar, идоралар ёки муассасалар ўртасида хизмат алоқаларини амалга оширувчи асосий муассаса ҳужжат бу хизмат хатлари ҳисобланади.

Хат орқали бажариладиган масалалар кўлами кенг бўлиб, бундай ёзишмалар воситасида турли кўрсатмалар, сўровлар, жавоблар, тушунтиришлар, ҳабарлар, тақлифлар, илтимослар, кафолатлар берилади ёки қабул қилинади. Мазмун жиҳатидан турлича бўлган бундай ҳужжатлар умумлаштирилган ҳолда хизмат хатлари деб юритилади. Хизмат хатлари хусусиятларига кўра ўзаро фарқланади.

Хатларни бажарадиган вазифасига қараб:

жавоб хатни талаб қилувчи хатлар (даъво хатлар, сўров хатлар, илтимос хатлар) ва жавоб хатни талаб қилмайдиган хатлар (илова хат, тасдиқ хат, эслатма хат, ахборот хат, кафолат хат ва бошқалар)га бўлиш мумкин.

Ушбу хатлар маълум бир мақсадда ёзилади, масалан, кафолат хатларда кафолат бериши ифодаланса, илова хатларда хатга илова қилинаётган ҳужжатлар ҳақида ахборот берилади. Бироқ шундай хатлар ҳам учрайдиди, унинг мазмунидаги кафолат берши, ҳам илтимос, ҳам эслатиш маънолари ифодаланади.

Хизмат хатлари, одатда, хатлар учун тайёрланган босма иш (махсус бланк) қоғозларига ёзилади. Махсус босма иш қоғозлари бўлмаган ҳолларда хизмат хатлари хос иш қоғозига ёки оддий қоғозга ёзилади. Хат оддий қоғоз варажқа ёзилади, унинг чап томонидаги юқори бурчагига хат жўнатаётган идора ёки муассаса номи кўрсатилган тўртбурчак муҳр қўйилади.

Зарурий қисмлари бурчакда жойлашган босма ёки хос иш қоғозларida зарурий қисм аввал ўзбек тилида, сўнг рус ёки инглиз тилида берилади. Зарурий қисмлар узунасига (бўйига) жойлашган босма иш қоғозларида улар чап томонда ўзбек тилида, ўнг томонида рус ёки инглиз тилида берилади.

Ҳар қандай хизмат хати мантиқий жиҳатдан ўзаро боғлик бўлган уч қисмдан иборат бўлади:

хатнинг биринчи (кириш) қисмида, одатда, хат билан тегишли муассасага мурожаат қилиши мажбур этувчи асосий сабаб кўрсатилади;

иккичи қисмида хатда қўйилаётган масалани ҳал қилиш зарурлиги далиллар асосида баён қилинади;

хатнинг учинчи (хуласа) қисмида эса хат ёзишдан кўзланган асосий мақсад ифодаланади.

Хизмат хатлари имкони борича қиска бўлиши, бироқ бу қисқалик унинг аниқ ва равшанилигига таъсири этмаслиги керак. Қоидага кўра, хизмат хатлари бир бетдан ошмаслиги лозим. Факат жуда мухим масалалар ёзилган, бирмунча муфассал байён талаб қилувчи хатларгина истисно тариқасида икки-уч бетгача бўлиши мумкин.

Расмий хатларни тузувчи шахс (ходим) маълум малакага эга бўлиши керак. Расмий хатларни тўғри ва тез тузиши, аввало, ўзимизнинг деяри 30 йиллик тажрибамиздан келиб чиқиб ва дунё ҳужжатчилигидаги илфор тажрибалардан ижодий фойдаланган ҳолда, ҳужжатчилигимизни таомиллаштириш йўлидан бормоқ керак.

Ҳужжатларнинг соф ўзбек тилидаги ягона андазаларини яратиш, булар билан боғлик атамаларнинг бир хиллигига эришиш борасида иш олиб бориши бугунги кундаги долзарб муаммолардандир. Юртимизнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби Қуролли Кучлар тизимида давлат ҳарбий ташкилотларида ҳам бу йўналишдаги ишлар бошлаб юборилган, анча-мунча натижалар ҳам йўқ эмас.

Хизмат хатлари икки нусхада ёзилади ва имзоланади. Биринчи нусха жўнатилиб, иккичи нусха муассасанинг ўзида сақланади. Агар хат икки ва ундан ортиқ жойга йўлланса, хат жўнатилаётган асосий муассаса ёки раҳбар ходимнинг номидан сўнг бошқалари берилади.

Биргина ҳужжатда уни олувчиликнинг номи тўрттадан ошмаслиги керак. Хизмат хатлари, одатда, идора ва муассаса номига юборилади. Факат масаланинг ҳал қилиниши бевосита раҳбарга боғлик бўлса, хат раҳбар номига жўнатилиши мумкин.

Хизмат хатлари матнidan сўнг хатга имзо чекувчи раҳбар лавозимининг номи аниқ кўрсатилиши керак. Агар хат хос иш қоғозида ёзилмаган бўлса, хатнинг имзо кисмida лавозим номидан ташқари муассаса номи ҳам тўлик кўрсатилади.

Ҳужжат вазирлик, идора ёки муассаса раҳбари томонидан имзоланади.

Иш юритиши жараёнида баъзан хатга раҳбар вазифасини бажарувчи шахс ёки унинг ўринбосари хатда қайд этилган лавозим номи олдига чекишини олдиндан билиши керак. Раҳбар бўлмаган ҳолларда шундай ваколатга эга бўлган шахс, яъни унинг

**МАРДИ МАЙДОНЛАР**

“ «4 нафар аскар жангга киришдан бош тортди, хүш, қандай йўл тутасиз? Қўшилмангиз билан чегара ҳудудида жойлашгансиз, ҳарбий хизматчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш учун нима қилиш керак?»

Шу аснода беихтиёр телевизор ва радио зарурлигини билдирган машғулот иштирокчиси танбеҳ эшилди. Чунки душман тараф оммавий ахборот воситаларидан ножӯя мақсадларда фойдаланиш эҳтимоли катта эди. Бу Ангрен дала-ўқув майдонида бўлиб ўтган батальон тактик гуруҳи шахсий таркибининг юқори жанговар шай ҳолатга келтирилиши давомидаги биргина ўқув нуқтасидаги мантиқий савол-жавоблардан парча, холос. Ҳудудда 3 та ўқув жойи, 16 та ўқув нуқтаси мавжуд.

Ундан жанговар гуруҳнинг отувни амалга оширишидан суткалик наряд, машиналарнинг ҳаракати ва жойлашуви, қўрикливни ташкиллаштириш, муҳандислик жиҳозлаш тадбирлари, озиқ-овқат таъминоти, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва яраланганларни жанг майдонидан олиб чиқиш тартиби, ахлоқий-руҳий таъминот, манёврчан мудофаага ўтиш, жанг олиб боришдан жанговар отишгacha бўлган барча босқичлар ўрин олган.

Аслида бу каби ҳаракатлар нимадан бошлини?

Дастлаб Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида батальон тактик

# КИЧИК ГУРУХ - АРМИЯ ТИМСОЛИ



гуруҳи «Йифин» сигнали асосида юқори жанговар шайликка келтирилди. Қурол-аслаҳа ва шахсий ҳимоя воситалари кўздан кечирилди. Ҳаракатланиш давомида жанговар техникаларнинг созлиги, иштирокчиларнинг ўзини тутиши, интизоми, топшириқни тўлақонли бажариш салоҳияти баҳолаб борилди.

Шартли душманга қарши курашаётган ҳарбий хизматчилар ҳам ҳужум, ҳам мудофаада ҳаракатланишарди. Ўз ўрнида тарихдан сабоқ олган машғулот иштирокчилари ҳарбий ҳий-

ҳимоячиларининг жипслиқда ҳаракатланиш кўнижмасини ҳам ошириб бораради. Мазкур усууллар ўзининг ноодатийлиги билан нафақат мудофаа, балки ҳужумни амалга оширишда ҳам самарали ҳисобланади. Шу боис ҳам жуфтликлар ҳудудни разведка қилиш усууллари ҳамда душман ҳаракатлар тактикасини мукаммал билиши шарт.

Оппоқ қор билан қопланган адирлиқдаги мерганлар бир қарашда кўзга ташланмайди. Улар учун нишонни тўғри мўлжалга олиш



лалардан фойдаланишни ҳам унтишмайди. Қор ўюми билан тўлган унгурдек кўринадиган пистирма ҳам душманни йўқ қилиш, уларнинг ҳаракат йўлларида асиirlар, ҳужжат ва қуролларни кўлга киритиш, уюшқоқлик билан кўчиб ўтишни издан чиқариш ва душманнинг жанговар қудратини сусайтириш мақсадида ташкил қилинган.

Энг диққатталаблик жойи «жанговар иккилик», «жанговар учлик» ва «жанговар тўртлик» ҳаракати бўлди. Ҳарбий хизматчилар бир-бирларини мухофаза қилиш барабарида қарши ҳужумга ўтарди. Бу Ватан



**126-модда.**  
Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эга.



қанчалар мухим бўлса, жангга тайёрланишида ниқбланиш қоидаларини мукаммал эгаллаганлиги ҳам долзарб ҳисобланади. Мутлақ ғалабага эришиш учун мерганлар жанг майдонидаги ҳолат ва вазиятга кўра, узлуксиз равишда турличи ниқбланиши, фош қилувчи белгиларни бартараф этиши, айниқса, харакат қила бошлагандан кейин хушёрликни ошириши лозим.

Пиёда ва колонна билан ҳаракатланиш давомида ҳарбий хизматчилар турли хилдаги тўсиқлардан ўтиш, пистирмаларни эпчиллик билан енгиш, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш бўйича тажрибаларини оширидилар. Уларнинг шартли душман кучларини яксон қилиш, қўққисдан ҳужум пайтида жипслаша олиш қобилияти ҳам текшириб



кўрилди. Алоқа воситаларининг самарали қўлланилиши сифатли бошқарувни таъминлади. Муҳими, шахсий таркиб белгиланган вақтда вазифани тўлақонли бажара олди. Бу эса кичик бир гурӯҳ мисолида миллий армия-мизнинг тимсоли мужассамлигини билдиради.

## ЎЗ КАСБИННИГ УСТАСИ

# ЙИЛНИНГ ЭНГ МУҲИМ МУСОБАҚАЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ



«Фориш» тоф дала-ўқув майдонида кўпчилик ҳарбий хизматчилар учун мухим ўрин тутувчи беллашув – Қуролли Кучлар миқёсида «Ўз касбининг устаси» унвони учун мусобақаларга старт берилди. Бир неча йиллардан бўён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу мусобақа ҳарбий хизматчиларнинг назарий ва амалий кўникмаларини ошириш ва уларда касбий рақобат уйғотиши билан аҳамиятлидир.



Мусобақалар давомида «Энг илғор бригада командири», «Энг илғор батальон командири», «Энг илғор взвод командири», «Энг илғор гурӯх командири» ва «Энг илғор сержант» номинациялари ғолиблари аниқланади.

Иштирокчилар отиш тайёргарлиги, тактик ва жисмоний тайёргарлик (3 км ва 100 метрга югуриш, турнирда тортилиш), техник тайёргарлик, ягона тўсиқлар йўлагидан ўтиш каби қатор вазифалар бўйича беллашадилар.

**P/S:** Мусобақалар тафсилоти билан газетанинг кейинги сонида танишишингиз мумкин.

**МАҲОРАТ**

“ Ватан ҳимояси ишониб топширилган ўғлонларнинг майдонда қуролни моҳирона ишлатиши, шунингдек, тифиз вазиятларда тез ва тўғри қарор қабул қила олиши муҳим саналади. Бунда уларнинг нафақат жисмоний, балки руҳий ҳолатлари ҳам барқарор бўлиши лозим. Шу сабабли Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округ бошқарув аппарати психологлари ҳарбий хизматчиликнинг ахлоқий-руҳий ҳолати барқарорлигини таъминлаш мақсадида тизимли равишда психологик ишларни амалга ошириб келмоқда. Уларнинг навбатдаги манзили Пачкамар гарнizonida жойлашган ҳарбий қисм бўлди.



Мақола асосида тайёрланган  
видео роликни томоша қилиш  
учун QR-кодини сканер қилинг.



## ЎЗ ВАҚТИДА, ТЕЗКОР, БЕХАТО

Ҳарбий хизматчиларнинг айни вақтдаги психологик ҳолати қандай экани ўзаро сухбатларда ўрганилганидан сўнг улар билан турли психологик тренинг ва машғулотлар ташкил этилди. Дала-ўқув майдонида якка тартибида тўғри ҳаракатланиш ҳамда гуруҳ жисслиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга қаратилган машғулотларни иштироқчилар ўз вақтида, бехато бажаришиди.

Гуруҳ таркибида бажариладиган жанговар машғулотларда Ватан посбонларининг жисслиги ва дикқат кўлами яққол намоён бўлади. Жанг майдонида юзага келадиган ностандарт вазиятларда

қабул қилинадиган қарорларнинг қай даражада оқилона бўлиши кўп жиҳатдан ирода мустаҳкамлигига боғлиқ. Ҳарбийларнинг ўзига ишонч билан ҳаракатланиши ва нишонларни бехато яксон қилаётгани

жанговар тайёргарлик машғулотлари ҳамда ахлоқий-руҳий тайёргарлик ишларининг самарали ташкил этилганини тасдиқлайди.

Ҳар жиҳатдан мукаммал тайёргарликка эга ҳарбий хизматчи-

ларни тайёрлашга қаратилган бу каби машғулотлар режа асосида тизимли давом этмоқда.

**Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округ матбуот хизмати**

**ВАТАНПАРВАРЛИК ФЕСТИВАЛИ**

## «САЗАГАН»ДАГИ САЙР

“ «Мардлар қўриқлайди Ватанни!» шиори остидаги ноанъанавий ватанпарварлик фестивали «Сазаган» полигонида ёшларни бир жойга жамлади.

Самарқанд вилоятининг барча шаҳар ва туманларидан келган автобуслар карвонидан бирин-кетин тушаётган бу йигит-қизларнинг аксари «Сазаган» дала-ўқув майдонига илк бор келиши. Ташаббускорлари Марказий ҳарбий округ ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги бўлган ушбу кенг масштабли тадбирга Самарқанд гарнizonи, вилоят мудофаа ишлари, ҳалқ таълими, ички ишлар, Миллий гвардия, Чегара қўшинлари, маданият ҳамда жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари,



Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Ёзувчилар уюшмаси ва Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳам бош кўшди.

Ватанпарварлик фестивалининг тантанали очилиш маросимида Марказий ҳарбий округ қўшиллари қўмондони полковник Айбек Сайдов ҳамда меҳмонлар ҳарбий хизмат мүқаддас бурч, юксак шараф эканини таъкидлаб, ёшларни Ватан ҳимоясига руҳлантирувчи илиқ фикрлар билдириди.

Вилоят мусиқали драма театри жамоаси ҳамда ҳарбийлар томонидан Жалолиддин Мангубердининг Чингизхон устидан қилган ғалабаси хақидаги жонли саҳна кўриниши ёшлар қалбига ғурур ва ифтихор бағишилади. Самарқанд гарнizonи ҳарбий оркестрининг бадиий-музикӣ чиқишиларида шонли ўтмишимиз бугунга боғланди, гўё. Юрт посбонларининг қўл жанги усуллари бўйича кўргазмали машғулотлари танк биатлони намойишига уланиб кетди. Шунингдек, жанговар техника ва қурол-аслаҳалар, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотларининг кўргазмаси ўқувчи ёшларда унтуилмас таассурут қолдирди.



Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, ўқувчилар, уюмаган ёшлардан иборат меҳмонлар халқ ўйинлари бўйича беллашиб имкониятига эга бўлди. Миллий кураш, тош кўтариш, арқон тортиш, камондан ўқ отиш, қўл жанги, билак кучини синаш мусобақалари чинакам баҳсга айланиб кетди. Кўнгилли ва ишқибоз чавандозлар улоқ кўпкарни, от чоптириш ўйинларида соврин учун курашиди.

Фестивалда ташкил этилган миллий хунармандчилик повильони ҳамда дорбоз ўйинларининг саҳна майдонлари ҳам санъатсевар ёшларни ўз бағрига чорлади. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳарбий-спорт техникалари, само узра парвоз қилган самолётлар, кинология ва кавалерия қўшиллари чиқишилари фестиваль иштироқчиларининг тасаввурини жонлантириди.

Турли спорт мусобақалари, миллий чолғу асблори ижроси, «Ватан ҳақидағи энг яхши шеър» танлови фестивалга якун ясади. Албатта, ғолиблар совғали бўлди. Умуман олганда, «Сазаган» фестивалида иштироқ этишнинг ўзи ҳеч бир совғадан кам эмас.

**Марказий ҳарбий округ матбуот хизмати**

**ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ**

# ХАРБИЙ ТАЪЛИМ: МУАММО, ТАКЛИФ ВА ЕЧИМ



Ҳарбий кадрларни тайёрлашда ишлаб чиқилган таълимий стандартлар доимий эмас. Давр талабига қараб, ўкув жараёни ислоҳ қилинади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш марказида ўтказилган «Ҳарбий таълим муассасаларида таълим беришнинг долзарб масалалари: муаммолар, таклифлар ва ечимлар» мавзусида республика миқёсидаги илмий-амалий конференция ҳам шу мақсадда ўтказилди.

Конференцияда фалсафа фанлари доктори, психология фанлари номзоди, профессор полковник Р. Самаров, Марказий ҳарбий округ қўшинлари кўмандонининг ўринbosari полковник П. Сотвoldиев, Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим юрти катта ўқитувчиси Ф. Ўсаров, Жиззах давлат педагогика институти доценти У. Тошназарова, Самарқанд давлат университети психология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент У. Бўтаева ва физика-математика фанлари номзоди, катта илмий ходим А. Маматов, олий ҳарбий таълим муассасаларидан бир қанча меҳмонлар иштирок этди. Кун тартибиага кўйилган асосий масала – ҳарбий

биринчи ўринbosari полковник А. Мусулманов, подполковник Ш. Касимовнинг мазкур марказни такомиллашибириш бўйича берган таклифлари муносараларга уланниб, барчани қизиқтириб кўиди. Конференциядаги барча таклифлар умумлаштирилиб, Мудофаа вазирлигига ўрганиб чиқиш учун тақдим этилиши кўзда тутилди.

Шунингдек, меҳмонлар инновацион лойиҳалар, ўкув даргоҳининг Илмий-тадқиқот маркази фаолияти, яратилган шароитлар билан танишдилар.

**Жасур УЛУГОВ,**  
Кичик мутахассисларни  
тайёрлаш маркази ўқитувчиси

**ҚОМУСИМИЗ БИЛИМДОНЛАРИ**

Қуролли Кучлар академиясида курсантлар ва муддатли ҳарбий хизматчилар ўртасида «Конституция билимдонлари» деб номланган викторина ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 28 йиллиги муносабати билан Республика Ҳарбий прокуратураси ҳамкорлигига ташкил этилган танлов аввалида сўзга чиққанлар Буш қомусимиз мамлакатимизнинг мустақил



тараққиёт йўли, суверенитети, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва муваффақиятлари, энгасосийси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолати эканини қайд этиб, барча жамоаларга омад тилади.

Тўртта турнир ўз ичига олган ушбу викторинада Қуролли Кучлар академияси курсантларидан иборат «Ўзбекистон ёшлари», «Мард ўғлон-

## «ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ»

**Эслатма**

Конституция (лотинча «Constitution» – тузилиш, тузук) – давлатнинг Асосий қонуни. У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, суд тизимини ҳамда давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини белгилаб беради.

лашуви шартларида ўз маҳоратини намойиш этди.

Жамоаларнинг чиқишилари ва жавобларини Республика Ҳарбий прокуратураси масъул ходимлари, Қуролли Кучлар академиясининг профессор-ўқитувчилари ва офицерларидан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Билимдонлар баҳсида энг юқори балл тўплаган «Ўзбекистон ёшлари» жамоаси галиблик дипломи ва кубогини кўлга кириди. Қуролли Кучлар академияси курсантларининг «Мард ўғлонлар» жамоаси иккинчи ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий тиббиёт факультети курсантларининг «Авиценна» жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

– Ушбу викторина орқали Буш қомусимиз мазмун-моҳиятига доир билимларимизни янада мустаҳкамлаб олдик, – дейди Ҳарбий тиббиёт факультетининг б-босқич курсанти Жавоҳир Вакилов. – Аслида, Конституциямизда белгиланган барча моддаларни мунтазам ўқиб-ўрганиб, ёдда сақлаш керак. Чунки ҳайёта амалга ошириладиган мақсад-муддаоларимиз ундаги нормалар билан чамбарчас боғланган. Ушбу беллашувга олдиндан пухта тайёргарлик кўриб, фахрли ўринлардан бирини эгалладик. Мутлақ ғолиб бўлмаганимиз эса, янада кўпроқ изланишга турткни ўтади.

**Д. РЎЗИҚУЛОВ**

**КУЧЛИ БЎЛИШ ЯХШИ, ИЛМИ БЎЛИШ УНДАН ҲАМ ЯХШИ. Иван Крылов**

## КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

# «БИР КЕЧА - МИНГ КЕЧА»



“

Қамчибек Кенжанинг ҳикояларини ўқиганмисиз? Шеърларини-чи? Ҳар иккисини ҳам ўқигандирсиз, эҳтимол. Бугун сизга таниқли ёзувчимизнинг «Бир кеча - минг кеча» китобини тавсия қилмоқчимиз. Ушбу китобда кулча ҳикоялар, терма ҳангомалар жамланган.

бошланган. Бу ҳикоя ўз даврида анчагина баҳс-му-  
нозараларга сабаб бўлган. Унинг ёзилган вақтига  
эътибор берсангиз, ушбу баҳс-мунозаралар саба-  
бини осонгина илғаб оласиз.

Пилла қурти қандай парвариш қилинишини  
ҳамма ҳам билавермайди. Айниқса, шаҳарда ўсган  
инсонлар уни тасаввур ҳам қила олмасалар керак.  
Бу шунчалар нозик ва машақатли меҳнатки...  
Ишонинг, мен буни ўз кўзларим билан кўрганман.  
Эҳтимол, бу жараён бир ойга ҳам бормас. Бироқ  
меҳнати... Қурт бостириладиган палла бошланга-  
нида қуртлар бирин-сирин тўп-тўп тўкилиб ўлиб  
бериши ҳам мумкин. Ўз ҳарорати керагидан ортиқ  
кўтирилганда, шунақа ҳолатлар ҳам юз беради.  
Энг ёмони, буни айни оғир юмушлар тугаб, бос-  
тириш бошланганида биласан. Эсиз меҳнат, уй-  
қусиз саҳарларга уланган тунлар... Тузукроқ пул  
берилган, кўпроқ ўтин-чўп учун оладиган пайтлар  
ҳам бўлган. Совет давлати гуркираб ривожланган  
даврда ҳам қишлоқларда ўтин-чўп муаммоси мав-  
жууд эди.

«Яшил барг» бир хонадоннинг қурт бостириш  
муаммоси билан бошланади. Эҳ-хее, юрт бошидан  
бир даврлар кечди-и. Пилла куртини парвариш-  
лаш учун тут барги керак. Бостириш палласи  
яқинлашгани сари барг муаммоси бошланади,  
меҳнатинг сувга оқиши мумкин. Пиллага талаб  
ошгандан ошаверади, аммо тут экилмайди. Паҳта  
майдонлари кенгаяди. Тут экилмайди. «Яшил барг»  
бир оиланинг муаммоси, фожиаси эмас эди.

«Йиллар ўтиб, одамнинг қиёфаси, гавдаси, ҳатто,  
гапириш оҳанги ҳам ўзгариб кетиши мумкин.  
Фақат кўзи ўзгармайди».

Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» асаридан

**Ўқиймиз:** «-Жуда мулойим, меҳрибон бўлиб  
қолишибдими?

Агроном овоз эгасини қидириб, атрофга аланг-  
лади. Назарида ҳамма унга қараб тургандай, хозир-  
ги гапни ҳамма айтгандай туюлди. У врачни четга  
етаклаётган милиция ходими оркасидан эргашди».

Адабнинг «Соҳилда» ҳикояси 1975 йилда ёзил-  
ган. Шу ҳикояда адилларгагина хос нигоҳни, узоқни  
кура оладиган ўткир нигоҳни илғайсиз. Бугун бизни кўп нар-  
салар ҳаяжонга солмай кўйди, нигоҳларимиз қаттиқлашгандек,  
туйғуларимиз жўнлашгандек...

«Соҳилда» ҳикоясидан

**Ўқиймиз:** «...қизик, нега ўзи

ҳам ғалатироқ бўлиб қолди?

Нима деса экан?.. Беларво-

роқми... Ҳаяжонламай кўйди,

юраги ҳам аввалидай ҳовлик-

майди. Қизик-а...»

Бу ҳикояни охири нима билан тугаркин, деган қизиқиши-ла

эмас, нега бундай тугади, деган

ўй билан мутолаа қилишингизни

маслаҳат берардим.

Китобдаги ҳар бир ҳикоя

ҳақида тўхталишнинг имкони

йўқ. Улар шунчалик ранг-ба-

рангки, бир-бирини такрорла-

майди, бир-бирига ўҳшамайди.

«Ўғилнинг ташвиши» деган ач-

чиққина ҳикоя ҳам бор. Баъзан

номусли оталардан ҳам писмиқ, майдакаш ўғиллар

бино бўлади. Нега шундай, а?

«Пулсиrot»дан парча ўқиймиз: «Биз ҳозир  
жуда хосиятли ва сирли жойда турибмиз. Бир-би-

ридан гумонсираб қолган эр-хотинлар мана шу  
ерга келишади-да, ўзларини синовдан ўтказишиади.  
Эрингиз мана шу тимсоҳнинг тагидан секин юриб  
ўтсин, агар у сизга хиёнат қилиб юрган бўлса,  
тимсоҳнинг думи қимирлаб кетади».

Қизик-а? Тешик тошни билардик, тимсоҳ тагидан  
ўтиш... Ғаройиб ҳолат. Қанақа тимсоҳлигини  
билишни истаяпсиз, шундай эмасми? Унда шу  
ҳикояни ўқинг, тимсоҳнинг аниқ «манзили» ҳам  
кўрсатилган.

«Нотаниш гул»дан ўқиймиз: «Хаёлимда  
қишлоғимиз чеккасидан ўтадиган Қорасув анҳори,  
тўқайзордаги Катта кечик, Кичик кечик деб аталув-  
чи чўмиладиган ҳавзалар жонланиб, жимир-жимир  
қила бошлиди. Ҳар куни мактабдан чиқибок, у  
ерга югурадик. Кечиклар болалар билан тўлиб  
кетарди, қий-чув, тўполон. Ким кимни сувга пиш-  
ган, кимнингдир уст-бошини яшириб қўйишган...  
Қоронги тушгунча ахвол шу эди. Кўпларнинг отаси  
ёки онаси хипчин билан ҳайдаб кетишарди. Ўша  
пайтларда болаларга иш йўқмидийкин? Энди у  
ариклар ҳам, тўқайлар ҳам йўқ, ўрни паҳтазорга  
айлантирилган...»

Бу қишлоқдан узилиб, шаҳарда болаликни соғи-  
ниб яшаётган кишининг хотиралари эмас, нотаниш  
гул ҳакида, тўғрироғи, тоза туйғулар ҳикоясидир.

Адабнинг «Кулча ҳикоялар»и орасида «Мех-  
мон»и бошқача-да! Шаҳар чегарасини ҳатлаб кўр-  
маган йигит қишлоқни кўришга орзуманд. Нихоят,  
шундай фурсат келди.

**Ўқиймиз:** «- Қишлоқнинг хидини сезяпсизи!  
- деб сўрайман ундан.

- Ҳазилингизни қўйинг, қишлоқнам хиди бўла-  
дими? - ажабланди у.

- Пахтанинг хидини-чи?

- Бе, роса қизик экансиз-у, ҳамма нарсанинг  
хиди бўлаверадими?

- Ҳа, ҳамма нарсанинг хиди бор, айниқса, қишло-

қода ҳар битта гиёҳним ўзига хос хиди бўлади.

Автобус деразаларидан кираётган шабада мен  
билан кўришгандай, юзларимни силайди, атро-  
фимда айланиб-айланиб нариги деразадан чиқиб  
кетади.

Ҳамма нарса, таниш тутқаторлару теракқатор-  
лар, чала асфальт йўллар, умуман, қишлоқ истиқ-  
болимга пешвуз чиқиб югуриб келаётгандай.

...Осмоннинг мусаффолигидан узок-узоқдаги  
Андижон адирлари кўзга яққол кўриниб туради.  
Шарқдан эса патнисдай қуёш тоғлар орасидан  
чиқиб келаётган бўлади. Нафас олиш бирам енгил,  
ўзингни қушдай соғлом ва тетик ҳис қиласан».

Мен ҳикоянинг шу жойларини ўқий туриб, яйраб  
кетаётганимни ҳис қиласман. Саҳифалар, сўзлар  
орасидан соғинч мени олисларга олиб кетади. Ўша  
ҳар битта гиёҳниминг хиди бор, дарахтлари пешвуз  
чиқадиган, чала асфальт йўлларда шабада мен  
билан ҳам кўришади.

Китоб дўконидан «Бир кеча - минг кеча»ни  
олиб, дуч келган саҳифани очдим ва кўз югуртир-  
дим. 514-саҳифа эди, шу парчани ўқидим ва кўнгил  
узолмай қолдим. Соғинч тўла бу парчани, бу саҳи-  
фани дўконда қолдириб кетишга кўзимади.  
Китобни сотиб олдим.

Азиз ўқувчи, бу саҳифани ўзимники қилиб  
олдим. Китобни мутолаа қилсангиз, сизнинг ҳам  
кўнгил мулкингизга айланиб қоладиган ҳикоя-  
ларни топасиз. Сизнинг ҳам севимли саҳифангиз,  
қайта-қайта ўқишини истайдиган парчангиз бўлади.  
Унда тоза, самимий туйғулар, ҳамма учун бирдек  
севимли гўзал севғи ҳикоялари бор.



Инобат ИБРОҲИМОВА,  
«Vatanparvar»

Қаранг, бу қандай шеър! Она  
номли ЖОНФИДОга аталган шеър.  
Энди айтинг-чи, шундай шеърдан  
парча келтириб, уни англатиш, у  
ҳақда гапириш мумкинми?

Ҳикояларга қайтамиз. Китобдан адабнинг ўтган  
асрнинг етмишинчи йилларида дунё юзини кўрган  
ҳикоялари ҳам жой олган. Тўплам «Яшил барг»дан

**«НАМУНАЛИ ҲАРБИЙЛАР ОИЛАСИ»**

# «ФОЛИБНИ АНИҚЛАШ ҚИЙИН КЕЧДИ»

## – дейди Элёр Носиров

**“** Эндиғина оила қурган келин-куёвларга баҳтли ҳаёт тилак қилинади. Вақт ўтгани сари шириң сўз, шукроналик, сабр-қаноат ва бир-бираға самимий эътибор натижасидагина оила аъзоларининг меҳр-муҳабbat ришталари мустаҳкамланиб боради.

Қуролли Кучлар академиясида бўлиб ўтган Мудофаа вазирлиги қўшинлари миқёсидаги «Намунали ҳарбийлар оиласи» кўрик-танловининг якуний босқичида ана шундай оиласлар беллашди. Танлов пандемия шароитидан келиб чиқиб, видеоконференц-алоқа шаклида ўтказилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари полковник Ҳусан Ботиров ва бошқалар мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилаётгани Ватан ичра кичик ватаннинг янада фаровонлигига хизмат қилаётганини таъкидлаб, барча жамоаларга муваффақият тилади.

– Ушбу танловнинг мақсади ҳарбий хизматчилар оиласида маънавий-маърифий ва маданий мухитни янада мустаҳкамлаш, чуқур касбий билим ва муваффақият, ижодий салоҳият, юксак интеллектуал қобилият ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган энг намунали ҳарбий оиласларни аниқлашга қаратилган, – дейди Мудофаа вазирлиги Хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси Зулфия Мансурова. – Белгиланган шартлар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари онгиди тарихимиз, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизга чуқур хурмат ва эҳтиром туйғусини мустаҳкамлаш, ҳарбий оила аъзоларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш,



Муаллиф суратга олган

улар орасида соғлом рақобат мухитини қарор топтиришга хизмат қиласи. Бу орқали ҳарбий хизматчилар оиласлари билан олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ортиб боради.

Учта шартдан иборат мазкур танловда Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округдан III даражали сержант Ҳусниддин Улуғов, Шимоли-ғарбий ҳарбий округдан майор Абдураҳмон Тўлашев, Шарқий ҳарбий округдан сержант Азизбек Аҳмедов, Тошкент ҳарбий округидан сержант Улуғбек Пирматов, Марказий ҳарбий округдан капитан Равшан Норов, Тоифаланган обьектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигидан подполковник Суннатилла Хушбақов ҳамда Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигидан кичик сержант Элдорбек Эшмуродловлар оиласи ўзаро беллашди. Бунга қадар улар бир неча минглаб ҳарбий оиласлар орасидан сараланиб, танловнинг якуний босқичига етиб келди.

Дастлаб «Оилам – менинг баҳтим» шартида жамоалар ўзларини шеърий тарзда таништириди. Бунда оиласларнинг ўз шиори, кўкрак нишони ва ўзига хос либосга эга эканига эътибор қаратилди. «Мустаҳкам оила – жамият таянчи» шартида ҳар томонлама соғлом, намунали ҳарбий оиласлар ўз эришган ютуқларини видеоролик орқали намойиш этди. «Оилам қизиқишилари» деб номланган охирги шартда иштирокчилар ҳарбий хизмат, ўқиш, спорт, маданият соҳаларида эришган ютуқлари бўйича кўргазмали кўринишларни ҳакамлар эътиборига ҳавола этди.

Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги бош мутахассиси Озода Шамсиддинова, ушбу вазирликнинг «Бувижонлар мактаби» аъзоси Шоира Исмоилова, Ўзбекистон ҳалқ

артисти Элёр Носиров, Мудофаа вазирлиги масъуль офицери подполковник Жаҳонгир Қаландаровдан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари иштирокчиларнинг ҳар бир чиқишини холисона ва адолатли баҳолаб борди.

Танловда Қуролли Кучлар академияси сержант Музаффар Содиковнинг фарзанди Фарангиз Ўраимова ҳамда сержант Зилола Толипованинг фарзанди Улуғбекмирзо Раупхонов ижросидаги дилтортар рақс ва мусиқий тароналар барчага манзур бўлди.

– Ҳакамлар ҳайъати аъзолари учун танлов ғолибини аниқлаш жуда қийин кечди, – дейди Ўзбекистон ҳалқ артисти Элёр Носиров.

– Чунки уларнинг деярли барчаси шартларни қойилмақ қилиб бажаришди. Айниқса, танлов иштирокчиларининг чиқишлиарини кузата туриб, уларнинг ҳар бирида артистизм кучлилигига амин бўлдим. Шу боис, бу беллашувда мағлуб йўқ, деб ҳисоблайман. Ўринларни белгилашда эса, шарт ижроси учун ажратилган вақт чегараси ва мавзудан четга чиқмаслик сингари қатор баҳолаш мезонлари га эътибор қаратишимиизга тўғри келди.

Якуний натижаларга кўра, жами 75 балл тўплаган майор Абдураҳмон Тўлашевлар оиласи (ШФХО) энг намунали оила, деб топилди. Капитан Равшан Норов (МХО) ҳамда III даражали сержант Ҳусниддин Улуғовлар (ЖФМХО) оиласи эса танловнинг иккинчи ва учинчи ўрин ғолиблари бўлди. Онлайн кўрик-танлов ғолиб ва совриндорларига Мудофаа вазирлигининг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилиши қайд этилди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,  
«Vatanparvar»**

**63-модда.**

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.



## ТАЪЛИМ

# ОФИЦЕРЛАР МАЛАКАСИ ОШИРИЛДИ

“ Қуролли Кучлар академиясида Малака ошириш факультети тингловчиларининг навбатдаги битирув маросими ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда офицер кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишга қаратилаётган эътибор туфайли миллий армиямиз сафлари чуқур билим ва тафаккурга эга, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал жиҳатдан етук профессионал мутахассислар билан бутланаётганини таъкидлади. Хусусан, академиянинг Малака ошириш факультети курсларини муваффақиятли битириб, бўлинмаларнинг юқори жанговар шайлигини таъминлай оладиган, ўз бўйсунувчиларига намуна кўрсатаётган, жонкуяр ва ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажаришга қодир бўлган офицерлар таркиби ортиб бораётгани қайд этилди.

Маълумот ўрнида келтириш жоизки, Қуролли Кучлар академияси олий курсида «Тактик бошқарув бўғинидаги офицерларни тайёрлаш» ҳамда «Кийим-кечак соҳаси офицерлари» мутахассисларни бўйича ўғлонлар ўз малакасини ошириди.

– Малака ошириш факультетининг уч ойлик олий курсида юқори малакали офицер ва профессор-ўқитувчилардан пухта билимлар олдик, – дейди Жануби-гарбий маҳсус ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисм батальон командирининг ўринбосари майор Бахтиёр Синдоров. – Олинган кўнимкалар шахсий таркибининг жанговар тайёр гарлигини юқори сифат даражасига чиқариш, жанговар қобилиятини янада оширишга хизмат қиласди.

Тантанали тадбирда ўқув режава дастурлар талабларини тўлиқ бажарган, мажмуавий битирув имтиҳони ва якуний тест синовларини муваффақиятли топширган тингловчиларга сертификат ва кўкрак нишонлари ҳарбий оркестр садолари остида тақдим этилди. Шунингдек, таҳсил олиш жараёнида ўз профессионал билимларини ошириш,



Муаллиф сурʼатга олган

амалий кўнимкаларини такомиллаштириш, дунёкарашини янада кенгайтиришга интилиб, юқори кўрсаткичларга эришгани ва намунали ҳарбий интизоми учун бир гурӯҳ тингловчилар фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ**

## АРМИЯ ВА ЁШЛАР

## ЁРҚИН ТААССУРОТЛАРГА БОЙ



Муаллиф сурʼатга олган

“ Мирзо Улуғбек туманидаги 248-умумталим мактабининг спорт залидамиз. «Янги Ўзбекистон – янгича дунёкараш» шиори остида ҳарбий-вatanparvarlik фестивалига жам бўлган ўқувчиларнинг қувончи ичига сифмайди. Курсант акаларининг қуроласлаҳаларини созлаб, саф тортганига қараганда, нимадир намойиш этиш тараддуудида. Улар билан бирга келиб, ҳарбий либосда, қўлда қофоз-қалам ва фотоаппарат кўтариб юрганим учунми, шўх-шодон болакайлар қизиқсиниб, мендан сўрайди:

- Ака, улар ҳозир нима ижро этишади?
- деди курсантларга ишора қилиб.
- Бошлишса, қўрамиз-да! – дедим-у, одамнинг ичига чўғ солгандай, менинг ҳам «сюрприз»ни ошкор этгим келмади.

Ўқувчилар узоқ кутмади. Орадан кўп вақт ўтмай, Қуролли Кучлар академияси масъул офицери майор Холмуҳаммад Жўрабоев тадбирни очиб, курсантларнинг шиддатли қўл жангиги чиқишини намойишига навбат берди. Шу онда ўғил-қизларнинг кўзидағи хайрату ҳавасни кўрсангиз эди!

Қуролли Кучлар академияси томонидан «Миллий тикланиш» демократик партияси Мирзо Улуғбек тумани кенгаши ҳамкорлигига ташкил этилган тадбирда Мудофаа вазирилиги фахрийлар ишлари бўйича марказий кенгаши аъзолари ўқувчи ёшларни вatanparvarlik руҳида тарбиялаш, уларнинг она Ватанга бўлган муҳаббати ва садоқатини янада оширишга қаратилган ҳаётий мисолларни сўзлаб берди. Академиянинг масъул офицерлари олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишига кириш тартиби ва курсантларнинг таълим олиши учун халқаро стандартлар даражасида яратилган замонавий шароитлар хусусида мъалумот берди.

– Қуролли Кучлар академияси ҳарбий-vatanparvarlik карвонининг тұхфалари шу билан тугаганий йўқ, – дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 248-умумталим мактабининг чақириувга қадар бошланғич тайёр гарлик фани ўқитувчиси захирадаги майор Бахтиёр Мингжигитов. – Ҳарбий оркестр жамоасининг мусиқий гулдастаси барчани тұлқынлантириб, беихтиёр рақсга чорлади. Ўқувчиларга китоблар совға қилинди. Айниқса, республика ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақалари, фан олимпиадаларида ғолиб бўлган курсантлар билан самимий сұхбат мактаб ўқувчиларида бир олам таассурот қолдири.

**Дилшод ШУҲРАТ ўғли**

## МАЛАКА

“ Қуролли Кучлар академиясида «Сурия Араб Республикасидаги ҳарбий можароларнинг ноқонуний қуролланган тузилмалари, жанговар ҳаракатларни олиб бориш усуслари» мавзуисида илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда профессор-ўқитувчилар, ҳарбий хизматчилар ҳамда курсантлар иштирок этди.

## ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР ЎРГАНИЛДИ

Анжуманнинг асосий мақсади урушда иштирок этаётган давлатларнинг ҳаракатларини илмий таҳлил қилиш, ижобий тажрибасини ўрганиш, ҳарбий-назарий тадқиқотларни олиб бориш ҳамда долзарб муаммоларни тадқиқ этиш кўнимкаларини такомиллаштиришдан иборат.

Подполковник Комилжон Насридинов мавзу юзасидан маъруза қилар экан, бу борадаги ўз қарашларини ҳам сўзлади. Маъруза давомида дунёда юзага келган ҳарбий-сиёсий вазият ва унинг мураккаблашуви юзасидан етарлича маълумот берди.

Тадбирда мавзу бўйича илмий асосланган таклифлар мухокама қилинди, миллый хавфсизлигимизни таъминлаш, мудофаа тизими самародорлигини ошириш каби янги ғоя ва режалар илгари сурилди.

Бахс-мунозарага бой тарзда ўтган илмий анжуман давомида курсантлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан етарлича жавоб ҳам олдилар.

**Зарина ҚОДИРОВА**

**БОКСЕРЫ НА РИНГЕ – БОЙЦЫ НА ФРОНТЕ**

# ЧЕМПИОН БУХЕНВАЛЬДА ИЗ ТАШКЕНТА

**“** Мне посчастливилось увидеть впервые, так сказать живьем, героя романа Георгия Свиридова «Ринг за колючей проволокой» при довольно неприятных обстоятельствах: на съемках, будучи студенткой, упала с высоты и попала в Ташкентскую больницу № 6. После многочасового забытья, открыв глаза, приятно удивилась: меня пристально рассматривал мужчина в белом халате, шапочке, высокий, плотного телосложения, который мне кого-то напомнил. Не осознавая, где нахожусь, воскликнула: «Это – не сон? Вы же – Андрей Борзенко, чемпион Бухенвальда, у меня о вас книга даже есть!»

Наступила пауза, врач и медперсонал онемели, через мгновенье, прия в себя, врач строго сказал: «Голова в порядке, думает, память, которая так необходима больной в будущей деятельности, в норме. В общую палату!»

Предельно честный, внимательный, дисциплинированный, четкий, добродушный Андрей Андреевич Борзенко, прославивший не только себя, как спортсмена, но и свою страну, свой народ, проживший достойно всю свою жизнь, славился и как хирург-травматолог. Главное, в нем было столько доброты, любви к тем, кому нужна помощь, человеческое внимание, который и в 40-е годы смог сохранить в себе эти черты, преодолевая те ужасы, невзгоды, которые никому не пожелаешь даже врагу.

На протяжении многих лет он не осмелился никому подробно рассказать о трудной судьбе, которая выпала на долю чемпиона Узбекистана. Будучи артиллеристом, в одном из боев, тяжело раненным попал в плен, трижды бежал, но неудачно. В Бухенвальде, где эсэсовцы делали все, чтобы превратить этот концентрационный лагерь в настоящий ад, стал членом подпольной организации, в составе которой были его сослуживцы из Узбекистана, которые вместе участвовали в подготовке восстания в лагере смерти. В этом аду организовывались боксерские поединки.

Лагерь был освобожден 13 апреля 1945 года американской армией. Его тренер Гарри Миттельдор предложил ему уехать вместе с ним в Нидерланды, однако Андрей решил вернуться в Ташкент, к семье, к своему тренеру и друзьям, оставшимся в живых после войны. Увы, пришлось еще не раз пройти долгие собеседования в компетентных органах, которые все-таки поверили его словам и в итоге снова отправился на фронт артиллеристом, продолжая воевать за Родину.

После возвращения в 1946 году в Ташкент снова начались неоднократные допросы о его прошлом. И только после смерти Сталина и хрущевской оттепели, через не один десяток лет Андрею Андреевичу Борзенко выдали орден «Отечественной войны» и удостоверение «Участника Великой Отечественной Войны», как ветерану Второй мировой войны.

После войны Андрей Борзенко успешно закончил лечебный факультет Ташкентского медицинского института и стал врачом высшей категории, одним из первых среди коллег прошел курс обучения по пересадке сердца в Московском институте имени Склифосовского. Делал множество операций, продлевая жизнь людям, оставил после себя десятки учеников, среди которых была и дочь Ольга, как эстафету, получившая дело отца.

Роман Ицков, ветеран спорта: «Андрей Андреевич Борзенко – настоящий герой, кто честно отдавал себя людям на протяжении всей своей жизни. Он ушел в бессмертие 21 февраля 1993 года, прожив неполные 73 года. Он постоянно жил наставлениями легендарного тренера Сиднея Джаксона, который прививал своим подопечным стойкость характера, умение держать удар и в нужный момент давать отпор, требуя при этом от своих подопечных: «Головой нужно работать! Не

жалеть себя на тренировках, запомните – бокс один из видов спорта, закаляющий не только физически, но и морально».

Вероятно, на роду было написано, что подросток Андрюша, однажды увидев бой на ринге, по-настоящему влюбится в этот увлекательный вид спорта. Он занимался в кружке по боксу, который вел Сидней Джаксон, бывший чемпион США в тяжелом весе, приехавший в Ташкент в 1916 г.

Сиднею Джаксону понравился высокий, крепкий, подвижный, самое главное, волевой паренек, который всегда первым прибегал на тренировки, надевал боксерские перчатки и последним их снимал. Джексон, воспитавший спортсменов и тренеров высочайшего уровня, увидел в мальчишке будущего чемпиона. Каждодневные тренировки, воспитание уважения и любви к этому далеко не-легкому виду спорта, не раз поднимали Андрея на высшую ступень пьедестала. Он становился чемпионом Узбекистана в своей весовой категории, позже получил и звание заслуженного тренера.

В армию он был призван будучи мастером спорта в тяжелом весе. Но и здесь он находил время для занятий боксом, учил своих товарищей, приговаривая: «Бокс – боевой вид спорта, который солдату в бою всегда пригодится».

Паина Сиднеевна Джаксон, врач высшей категории, кандидат медицинских наук, доцент, вспоминает: «Андрей Андреевич, человек совершивший подвиг в годы Второй мировой войны, был частым гостем в нашем доме. Занятия боксом сделали его не только хорошим спортсменом, но и, что важно, настоящим человеком... Он все время подчеркивал, что ему никогда бы не удалось победить на ринге и в жизни, если бы не тренер Сидней Львович, научивший достигать цели в любых ситуациях. После возвращения с войны, с конца 40-х и в начале 50-х годов, Андрей продолжал тренироваться у папы, учился на врача, успешно выступал на различных соревнованиях, несмотря на больную, после тяжелого ранения в годы войны, ногу. Я всегда «болела» за него во время соревнований. Будучи уже известным врачом, тренировал боксеров в спортивном обществе «Медик». О его подвиге Георгий Свиридов написал роман «Ринг за колючей проволокой».

Георгий Свиридов, писатель, боксер, в 1944 – 1951 гг. тренер секции бокса Наманганской области, мастер спорта, чемпион Средней Азии: «В первом послевоенном чемпионате нас было три товарища в интернациональной команде, я – русский, узбек Юнус и Гельмут из Поволжских немцев, но он жил в Средней Азии. Мы трое очень подружились. Гельмут тогда вышел в финал. Я выходил его секундировать. Против него неизвестный мне Андрей Борзенко, будущий герой моего романа. После удара гонга, он, как зверь, налетел на немца и так стал избивать... девять нокаунов, повалил Гельмута, представляете? Все стали кричать: «Так нельзя!», а он его продолжает бить с такой злостью. Уже потом я узнал, что он был в Бухенвальде, провел 80 поединков против фашистов. Гельмут проиграл и махнул рукой на бокс навсегда, после этого не выходил на



ринг. В романе «Ринг за колючей проволокой» нет выдуманных имен, все имена – подлинные, даже немецкие, я копался во всех документах военных годов. Главное – героизм, мужество, отвага, стойкость и верность Родине – все эти качества высоко ценились нашим народом во все времена».

Спортсмены сражались на фронтах отважно, показывая мужество и отвагу. Среди них и боксеры, которых бокс сделал не только физически сильными, стойкими, храбрыми людьми, но и помог выработать самообладание, научил быстро оценивать обстановку и мгновенно принимать правильное решение. Все эти качества, приобретенные в боях на ринге, пригодились им и в схватках с врагом, многие из них, тогда еще неизвестные, так и выдающиеся мастера, неоднократные чемпионы страны, пали смертью храбрых. Многие из тех, кто, встретив победу, вернулся домой, снова вышли на ринг, удивляя неувядаемым мастерством: «работали» так, будто и не было у них за плечами суровых военных лет. Теперь, видимо, уже фронтовая закалка помогала им побеждать на ринге.

Вторая встреча с Андреем Андреевичем проходила в той же больнице спустя 12 лет. Я встретилась с ним уже как журналист спортивной редакции Узбекского радио, делавшая репортажи после трагической гибели футбольной команды «Пахтакор». Когда микрофон был заченен, Андрей Андреевич, бросив взгляд далеко в поднебесье, склонив мужской рукой мою хрупкую ладонь, сказал, будто давая наставление врачу: «Сделай так, чтобы твоя жизнь прошла без нокаута, как у меня, не падай духом и помни тех, кто окружал тебя добротой, отдавая частицу души и сердца», – резко встал и ушел в свой кабинет.

История Второй мировой войны, на которой во имя Победы отдавали свои жизни и миллионы узбекистанцев, знает огромное множество примеров героических поступков. Не каждый из них был совершен непосредственно на поле боя, немало поединков происходило с участием спортсменов различных видов спорта. Известен футбольный «Матч смерти» между немцами и командой оккупированного фашистами Киева. Об этом событии также написан роман, который как и «Ринг за колючей проволокой», будоражит до сих пор своей правдивостью и желанием жить, несмотря ни на какие жизненные перипетии.

В 70-х годах прошлого столетия был снят фильм (режиссер Хамид Каҳрамонов) по одноименному роману Георгия Свиридова. В главной роли Андрея Борзенко снялся тогда молодой актер, ныне народный артист Узбекистана Ёдгор Сагдиев, который знал тайны бокса. Кто хочет узнать о подвиге спортсменов в годы войны, можно найти материалы в Интернете или в Национальной библиотеке Узбекистана им. А. Навои, в фонде которой не одна тысяча книг, повествующие о подвигах узбекистанцев на протяжении веков...

**Флора ФАХРУТИДИН**

**НЕВОЗМОЖНО ВСЕГДА БЫТЬ ГЕРОЕМ, НО ВСЕГДА МОЖНО ОСТАВАТЬСЯ ЧЕЛОВЕКОМ. Гёте**

«ЭНГ ИЛГОР ҲАРБИЙ ПСИХОЛОГ»

## ТАЖРИБА ОММАЛАШТИРИЛАДИ



“Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейида Мудофаа вазирлиги қўшинларида «Энг илфор ҳарбий психолог» ва «Руҳий зўриқишиларни ечишнинг намунали хонаси» танловларининг республика босқичи ўтказилди.

Ҳар иккала номинация бўйича ҳарбий округлар, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари, Тоифаланган обьектларни қўриқлаш қўшинлари миқёсида биринчиликни қўлга киритган иштирокчилар ўзаро беллашдилар. Психология йўналиши бўйича республикамиздаги етакчи олий ўқув юртлари психолог мутахассислари жалб этилган танлов ҳайъати томонидан иштирокчиларнинг билими, ҳарбий жамоаларда олиб бораётган ижтимоий-психологик тадбирлари маҳсус

сўровномалар ва тақдимот материаллари асосида баҳолаб борилди, шунингдек, ҳарбий қисмларда ташкил этилган руҳий зўриқишиларни ечиш хоналари акс эттирилган фото ва видеоматериаллар ўрганилди.

Танлов якунларига кўра, «Энг илфор ҳарбий психолог» номинацияси бўйича биринчи ўринни Тошкент ҳарбий округида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирининг ҳарбий психологи майор О. Усмонов, «Руҳий зўриқишиларни ечишнинг намунали хонаси» номинацияси бўйича эса Тоифаланган обьектларни қўриқлаш қўшинларига қарашли ҳарбий қисмлардан бири эгаллади ва жорий йилги танлов ғолиби деб эълон қилинди.

Эришилган илмий-амалий натижалар ва илфор тажрибаларни Мудофаа вазирлиги қўшинларида оммалаштириш ҳамда ҳарбий психологлар фаолиятида кенг фойдаланиш режалаштирилган.

**Катта лейтенант Ўқтам ОЧИЛОВ,  
Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва  
мафкуравий ишлар бош  
бошқармаси катта офицери**

### 1 ДЕКАБРЯ – МЕЖДУНАРОДНЫЙ ДЕНЬ БОРЬБЫ СО СПИДОМ

“В воинской части, расположенной в Зангиатинском районе Ташкентской области, состоялся круглый стол на тему «Я выбираю здоровый образ жизни. ВИЧ и СПИД – чума 21-го века». В нем приняли участие врачи-специалисты, военнослужащие и члены их семей.

## ПРОФИЛАКТИКА – ЛУЧШЕЕ РЕШЕНИЕ



– Вакцины против этого заболевания еще не изобрели, – сказал в своем выступлении врач Центра по борьбе со СПИДом Бахтиёр Умирзаков, поэтому самое правильное решение – это профилактические меры. В нашей стране для ВИЧ инфицированных оказывается максимальная поддержка. Все медикаменты для больных предоставляются бесплатно. Процедуры лечения также проводятся бесплатно.

– При возникновении признаков ВИЧ или СПИД, – говорит майор медицинской службы Илхом Абдукаримов, – необходимо обратиться в районную поликлинику. Если после сдачи анализов в крови обнаружен вирус, в течение пяти дней сдаются повторные анализы. Если пов-

торные анализы подтверждают наличие заражения в крови, то результаты анализов передаются в центр по борьбе со СПИДом. В центре создается комиссия, которая изучает причину заражения, по результатам которого выбираются методы лечения.

Как отметили специалисты, для больного СПИДом жизнь не заканчивается, он может прожить долгую жизнь, если будет содействовать лечению, соблюдать меры предосторожности и принимать лекарства во время.

В завершении мероприятия гости ответили на все вопросы участников, дали сопутствующие рекомендации, был продемонстрирован документальный фильм.

**Чингиз РАЙМБЕРДИЕВ**

### МАЪНАВИЯТ

“Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмандонлигига қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларда «Кийиниш маданияти» ҳамда «Оила – муқаддас даргоҳ» мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди. Унда ҳарбий хизматчи ва Қуролли Кучлар хизматчиларидан иборат аёллар иштирок этди.

## ДИЛДАН СУҲБАТ

Тадбирда сўз олганлар ўзимизга хос кийиниш маданияти, корона-вирус пандемияси даврида гигиена талабларида қатъий риоя қилиш каби қатор долзарб мавзуларга тўхтаби ўтишиди.

Шунингдек, аёллар иштироқида оила мавзусида қизғин сұхбат олиб борилди. Аёлни оиласи ёритгувчи чирок, дея таърифлашади. Чунки оиласидаги мухитнинг осуда ва ҳаловатли бўлиши хонадон бекасига узвий боғлиқ. Тадбир савол-жавоб, баҳс ва мунозараларга бой бўлди.

**Дилбар ҲУСАНОВА, ҲҲМҚ ва ҲҲҚ қўмандонлиги хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассис**

### МАЪРИФАТ

## КИТОБ – ТАФАККУР ҚАНОТИ

“Бухоро шаҳрида жойлашган сафарбарлик чақируви резерви батальонида йигитлик бурчимни ўтаяпман. Ҳарбий қисмимизда кўплаб турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади. «Китобхонлик – миллат кўзгуси» тадбири шулардан бири.

Инсон тафаккури ва камолотининг манбаи бевосита китоб билан боғлиқ. Ҳар бир миллатнинг маънавий-руҳий олами унинг китобга бўлган муносабати билан ҳам ўлчанади. Шу боис, юртимизда аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбирда сўзга чиқсан подполковник Бобур Усмонов жумладан шундай деди: «Китоб нафақат ёшлар учун, балки бутун жамият учун ҳам энг керакли тафаккур қаноти. Янги Ўзбекистонни юксак маънавиятли, пурмаъно фикрли, юрагида Ватан туйғуси жўш уриб турган китобхон халқимиз билан бирга қурамиз».

Тадбир давомида, шунингдек, «Мен севган буюк сиймө» мавзусида давра сұхбати ўтказилди. Қизғин ва қизиқарли жараёнда барчамиз фаол бўлдик.

**Оддий аскар Мирзоҳид ОЛТИБОЕВ**

**ЖАСОРАТ ЛАВҲАЛАРИ**

# УНУТИЛМАС ҚАҲРАМОНЛИКЛАР

## (вокеий ҳикоя)

### АФСОНАВИЙ БРЕСТ ҚАЛЪАСИ

1941 йил 22 июнъ. Дунёни ларзага солган даҳшатли муҳорабанинг олам тинчлигига рахна солган кун. Гитлер Германияси шу куни тонг саҳар уруш эълон қилмай туриб СССР ҳудудига бостириб кирди. Афсонавий Брест қалъаси гарнизони жангчилари фашистлар зарбасини биринчи бўлиб қабул қилди ва тенгиз курашга кириди.

Жанговар тайёргарлик жиҳатдан айни фурсатда юкори устунликка эга гитлерчилар чегаранинг бошқа қисмларида бўлгани каби «шарқ дарвозаси» – Брестга ҳам шиддат билан ёпирилиб кела бошлади. Фашистларнинг биринчи зарбасини қабул қилганлар орасида ўзбекистонликлар ҳам анчагина эди. Уларнинг баъзилари ўта оғир синовларга бардош бериб, қўлида қурол билан Берлингача боришга мувваффақ бўлди.

Брест қалъаси ҳимоячиларининг матонати ва мардлиги немис босқинчилари йўлига қўйилган энг жиддий тўсиклардан биринчиси бўлди. Шарқий қўрғон жангчилари босқинчиларнинг йирик кучларини тўхтатиб туришга мажбур этди. Жангчиларимизнинг кўп сонли, кучли ва қудратли ёв билан олишуви бир ойдан ортиқ давом этди. Душман қалъа ҳимоячиларига қарши ҳарбий техниканинг кўплаб турларини ишга солди. Дўлдек ёғилиб турган бомба ва снарядлар остида, алана ичидатошлар эрир, ер ёнарди, аммо фашистлар жангчиларимиз иродасини бука олмасди.

Босқинчилар қалъага янги-янги куч ташлар, қандай қилиб бўлса ҳам уни эгаллашга ҳаракат қиласди. Ватан ҳимоячилари душман улардан бир неча баравар кўп, ҳар томонлами устун эканлигини билсалар-да, таслим бўлишни хаёлларига ҳам келтирмасди. Дониёр мана шу жангчилардан бири эди. У дарё томондан ёпирилиб келаётган душман галасини аёвсиз яксон қиласди. Баҳодир жангчи девор ёриги орасига жойлашиб, фашистларга қирон келтира бошлади. Унинг кўз ўнгидага фашист танклари ярадор аскарлар, аёллар ва болаларни босиб мажакларди. Бундай ёвузылкка инсоннинг бардош бериши мушкул. Дониёр алам билан: «Фашист босқинчиларига ўлим!» деб қичқирди. Янада қаҳр-ғазабга тўлиб, жангни давом эттириди.

Урушнинг тўққизинчи куни. Қалъа ҳимоячиларидан жуда оз киши омон қолди. Дониёр сафдошлари билан бирга снаряд ва бомбалар тушиб ҳосил бўлган үраларга яшириниб, фашистларга қарши тинимсиз ўт очар, «ўлмаслигим керак, фашистларни қиришим учун ҳам яшашим керак. Бир кун яшасам ҳам, битта душманни ўлдирсан ҳам майли», деган ўй билан жанг қиласди. Шунда, душман аскарлари бостириб кела бошлади. Фашистлар билан юзма-юз олишув бошланди. У тўрт фашистни наизага санчид ўлдирди. Мана шу жангда Дониёр Абдуллаевнинг ўзи ҳам мардларча ҳалок бўлди.

Қалъа ҳимоячилари турли миллат вакиллари бўлишига қарамай, бир оила вакилидек, елкама-елка жанг қилишарди. Жанглардан бирида капитан Мельников қаттиқ яраланди. Бобохалил ўша захоти командирининг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида жанггоҳдан олиб чиқди. Аммо оғир яраланган командирнинг ҳаётини асрар қолиш мушкул эди. Шифокорларнинг қаттиқ уринишига қарамай...

Мельников ўлими олдидан кўзини очди ва тепасида турган Бобохалилга аста шивирлади:

– Дўстим, ҳаммаси учун раҳмат. Афсус, фашистлар билан ҳисоб-китобим кўп эди, ғалаба кунини кўра олмайман.

– Командир, соғайиб немисларнинг яна додини берасиз ҳали.

– Энди бунинг имкони ўйқ, видолашиб вақти келди. Мендан сенга қандай хотира қолишини истайсан?

– Командир... фамилиянгиз менга қолсин. Мельниковлар ҳамиша сафда бўлишини истайман.

Иван Тихонович Мельников жангчи Бобохалил Кўшановга миннатдорлик билан бокди.

– Ўз фамилиямни сенга васият қилиб қолдира ман...

Капитан Мельников ҳаётдан кўз юмгач, кўмондонлик тантанали равишда Кўшановга жанг майдонидага шаҳид бўлган дўстининг фамилиясини унга берди.

Бобохалил Мельников Брест қалъасида ўз командирига берган ваъдасига содик қолди. Босқинчиларга қарши қақшатқич жангларда иштирок этди, Қаҳрамонликлар кўрсатиб, Берлинга қадар борди. Рейхстаг биносига «Мельников» деб дастхат кўйди.

Бобохалил оламшумул ғалабадан сўнг, она юрти – водийга қайтди. Ўз жангвар дўстининг фамилиясини бутун умрга сақлаб қолди. Ички ишлар органларида фидойилик илиа хизмат қилган Бобохалил ва Мельниковлар сулоласи эл назарида, юрт хурматида бўлди.

### КАСОС ҮТИ

Иккинчи жаҳон урушининг оловли нафаси бутун дунёни таҳликага соглан суронли йиллар. Гитлерчи фашистларнинг қора нияти – оламни бўйсундириш. Узини илмга бағишлишга аҳд қилган ва шу йўлда таҳсил олаётган Матёқуб урушга жалб этилганида навқирон ёшда эди. У фронт ҳаётини пиёда аскарлар командирлари тайёрлайдиган билим юритида бошлади. Кўп ўтмай, душман қамал қилган Ленинград жанггоҳларига юборилди. Ленинград остоналарида кўз кўриб кулоқ, эшитмаган жанглар борарди.

Беаёв жанг бир нафас бўлса-да тўхтагани йўқ. Даҳшатли олишувлар ичидаги ҳатто фронт линиясини билиш мушкул. Окоплар ҳалок бўлган жангчилар билан тўла. Жанг тартибини яхши тушунмаган, сувсиз, озиқ-овқатсиз қолиб бурчини бажараётган Матёқуб ҳамма нарсадан умидини узиб кўйган: «Тамом, илм борасида орзу қилмасам ҳам бўлади, ҳаммаси барбод...»

Одатда бундай тушкунлик, ҳали жанггоҳларда суги қотмаган, кўз ўнгидага сафдошлари душман ўқидан тутдек тўкилаётган, миналарга урилиб парчаланиб кетаётган, яшашдан умидини узиб кўйган ўш жангчиларда бўй кўрсатади. Матёқуб ҳам айни фурсатда шулардан бири.

Фашистлар томонга қуролидан тинимсиз ўқ узаётган йигит ҳолсиз бир нафас тин олди. Бундай паллада қорин очлиги билинмас-да, қуролни ишлатиш учун ҳам куч керак. Аскарларга озиқ-овқат олиб келадиганлар гоҳида ўққа учраб ёхуд душман снарядидан ҳалок бўлаётгани жангчиларга аён. Бундай талотўпда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Шу сабаб, улар баъзида очликка чидашга, сабр қилишга, жангни сўнгги нафасгача тўхтатмасликка мажбур. Йўқса, ўзи нишонга айланади.

Шунда Матёқуб ёнгинасида нон турганини кўрди. «Наҳотки нон...» йигит жон ҳолатда кўлигига олди, шериклари билан бўлишиб ейишга шошилди. «Уни ким олиб келди, қачон ташлаб кетди? – ўйлади у. – Жанг билан бўлиб сезмай ҳам қолибмиз. Нима бўлганда ҳам нон келтирганга раҳмат, билакка қувват кирди», автоматини кўлигига олди йигит.

Бу ҳолат иккича бор тақрорланди, окопга қайсиидир нажоткор нон ташлаб кетарди. Ва ниҳоят, Матёқуб уни қўришга мувваффа бўлди. 16-17 ёшлардаги ихчамгина рус йигити. У нонни ташлади-да, шошилганча ерга тирмасиб, бошқа жангчилар томон кетди. Эртасига у эмаклаб аскар ҳалтасида нон судраб келаётганида, қаерданнадир отилган фашист ўки йигитчанинг умрига зомин бўлди. У қора қонга беланиб окоп ёқасига йикили-ю, Матёқубнинг кўз ўнгидаги бир-икки талвасаланиб жон берди. Бу мудҳиш ҳол унинг руҳиятига кучли таъсир қиласди, бир зум хушсиздек йигитчага термилганча қотиб қолди.

Ёнгинасида ҳалок бўлаётган сафдошларидан айрилиқ ҳам бир бўлди-ю, бир сиқим бўлиб ётган, кўзлари очиқ йигитчанинг машъум қисмати ҳам бир бўлди. У билдики, бу снайпернинг иши. Матёқубдаги кўрқув ўрнини алам, нафрат, қасос ўти эгаллади. Фашистларнинг бу ёвузылги унинг ғазабини келтириди. «Ахир мен овчиман-ку! Ов қилиш жон-дилим эди. Снайперчи бўлиб фашистларни мана шу ўспиринде ғужанак қилиб ташламасам, фронтда нима қилиб қолманди!..»

Ленинград остонасидағи жанглардан бирида Матёқуб жиддий яраланиб, госпиталда даволанди. Соғайиб чиққач, кўнглига тугиб қўйган ниятини амалга оширишга киришди. Дивизия штабига кириб, «Мен овчиман, снайперчи бўлмоқчиман», деди. Йигитнинг бу қатъий қарори мақсадига замин яратди. Матёқуб 1945 йил – урушнинг сўнгига қадар снайперчилар сафида гитлерчиларга қарши олиб борилган беаёв жангларда кўплаб қаҳрамонликлар кўрсатди.



**Зулфия ЮНОСОВА,  
«Vatanparvar»**



**ЖАСУР ГЕНЕРАЛНИНГ ҚЎРҚОҚ АСКАРИ БЎЛМАЙДИ. ЯПОН ҲИКМАТИ**

**ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР**

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

Халқаро дзюдо федерацияси спортчиларимизнинг халқаро майдонда эришаётган яхши натижалари ва юртимизда ушбу спорт турини ривожлантиришга қаратилаётган жиддий эътиборни инобатга олиб, ҳар йили 10 та мамлакатда ўтказиладиган Гран-при туркумидаги турнирлардан бирига мезбонлик қилиш ҳуқуқини Тошкент шаҳрига берди. 2013 йил Узбекистон спорти тарихига дзюдо бўйича дунё миқёсидаги йирик мусобақа - «Тошкент Гран-при» турнирига асос солинган йил сифатида битилди. Юртимиз спорти шукуҳининг дунёга таралишида армия спортчиларининг ҳам ўзига хос ўрни ва мавқеи бор.

### **АРМИЯ СПОРТЧИЛАРИ УЧУН 2013 ЙИЛГИ МАВСУМ**

Марказий ҳарбий спорт клуби (МҲСК) спортчилари 2013 йилги мавсумда мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларнинг жами 961 та медалига сазовор бўлишди. Шундан 77 та олтин, 67 та кумуш ва 67 та бронза, жами 211 та медаль жаҳон ва қитъя чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларда кўлга киритилди.

2013 йилги мавсум оғир атлетикачи Руслан Нурудинов (-105 кг) учун омадли бўлди. У аввалига Қозогистонда ўтказилган Осиё чемпионатида, сўнг Россиянинг Қозон шахри мезбонлик қилиган Бутунжоҳон Универсиадасида икки бор рекордни янгилаган ҳолда (рекорд: даст кўтариш бўйича 190 кг ва иккомураш бўйича 412 кг) голиб чиқди. Польшада ўтказилган дунё биринчлигига Руслан даст кўтариш бўйича 190 кг, силтаб кўтариш бўйича 235 кг, жами 425 кг натижа кўрсатиб, жаҳон чемпиони бўлди! Бундай спортчилар мамлакатимизда қадрланади, доим элу юрт ардоғида. Президентимизнинг 2013 йил 30 октябрдаги фармонига мувофиқ, Руслан Нурудиновга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони берилди. Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси эса уни «Йилнинг энг яхши спортчиси» деб эълон қилди ва спортчига «Cobalt» русумли автомобиль калити топширилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда қатор ҳамкор ташкилот ва идоралар билан биргаликда ташкил этилган «Эътироф» мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросимида армия спортчилининг муваффақиятлари яна бор эътироф этилди ва у «Энг яхши спортчи» номинацияси голиби ҳам бўлди.

### **СИРОЖИДДИНОВ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!**

Московада ўтказилган қўл жанги бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 4 та медални қўлга киритишибди ва уларнинг барчаси МҲСК вакилларига тегишли бўлди. 2011 йилги жаҳон чемпионатида армиямиз ёш спортчилари қатнашган ва улар совриндорлар сафидан жой ололмаганди. Ўша йили тўплланган тажриба 2012 йили Будапешт

# **АРМИЯ СПОРТИ – ЮРТИМИЗ ФАҲРИ**



шахрида ўтказилган дунё биринчлигига иш берди – МҲСК вакиллари юртимизга битта олтин, 2 та бронза медаль билан қайтиди. 2013 йилги натижалар эса янада юқорироқ бўлди – битта олтин, 2 та кумуш, битта бронза! Қуролли Кучлар хизматчиси Одил Сирожиддинов 2012 йили пойтахтимизда ўтказилган халқаро турнир финалида Европа чемпиони украиналиқ Алексей Смирновни нокаутга учратган ҳолда ажойиб ғалабага эришганди. Шу боис мухлислар 2013 йилги жаҳон чемпионатида айнан Сирожиддиновдан зафар кутишибди. Одил мухлислар ишончини оқлади – ўз вазн (80 кг) тоифасидаги баҳсларида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони бўлди!

МҲСК вакили Жаҳонгир Мансуров (85 кг) финалгача муваффақиятли жанг қилди. У каби сўнгги баҳсада рақибига имкониятни бой берган Шамсиддин Йўлдошев (70 кг) ҳам ўз вазн тоифасида кумуш медалга сазовор бўлди. Осиё чемпиони Бобур Раҳматов (75 кг) эса дунё биринчлигининг бронза медалини қўлга киритиди.

### **ОЛТИН МЕДАЛЛАР АРМИЯ СПОРТЧИЛАРИДА**

2013 йилнинг енгил атлетика бўйича уч босқичли Осиё Гран-при мусобақалари Таиланд ва Шри-Ланкада ўтказилди. Уларда қатнашган 10 нафар енгил атлетикачимиз юртимизга 17 та (6 та олтин, 7 та кумуш, 4 та бронза) медаль билан қайтишибди. Ушбу совринларнинг 10 таси, олтин медалларнинг барчаси МҲСК вакилларига тегишли бўлди.

Тайланднинг Бангкок шахрида ўтказилган Осиё Гран-присининг биринчи босқич баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта олтин, учтадан кумуш ва бронза медалларни кўлга киритишиди. Ҳусусан, хотин-қизлар ўртасидаги узунликка сакраш баҳсларида 6,52 метр натижа қайд этган спортчилар оиласи маликаси Дарья Резниченко олтин медаллик, МҲСК аъзоси кичик сержант Юлия Тарасова эса 6,11 метр натижа билан бронза медаллик бўлди. Баландликка сакраш бўйича Осиё рекордчиси (рекорд – 1,98 метр) кичик сержант Надежда Дўсанова Бангкокда 1,86 метр баландликдан ошиб тушиб, кумуш медаль билан тақдирланди. Надежда аслида Саҳана Кумари билан бир хил натижа қайд этганди, фақат Ҳиндистон вакили бу натижани спортчимизга нисбатан бир уриниш олдин бажаргани учун олтин медаль унга берилди. Терма жамоамиз аъзоларидан Бобур Шокиржонов найза улоқтиришда, тажрибали спортчимиз Гўзал Хуббиева 100 метрга югуришда 2-ўринни эгаллади. МҲСК аъзоси Ирина Мороз 1 500 метрга югуриш баҳсларида, ҳамюртимиз Григорий Камуля ядро ирғитишида учинчи натижа кўрсатди.

Осиё Гран-присининг иккинчи босқич баҳслари Таиланднинг Чонбури шахрида бўлиб ўтди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учун ушбу босқич баҳслари энг самараалиси бўлди – 3 та олтин, 2 та кумуш ва битта бронза медаль қўлга киритилди. Найза улоқтириш баҳсида қатнашган ҳамюртимиз Бобур Шокиржонов 77,51 метр натижа қайд этиб, олтин медалга сазовор бўлди. Бангкокдаги натижаси – 1,86 метрни тақорорлаган баландликка сак-





ровчимиз кичик сержант Надежда Дўсановага бу сафар олтин медаль насиб этди. Узунликка сакраш бўйича баҳслари якуннада Бангкокдаги каби шоҳсупанинг дастлабки икки погонасига юртимиз енгил атлетикачилари кўтарили – Дарья Резниченко бу сафар 6,42 метр, мамлакатимиз ва Осиё рекордчиси кичик сержант Юлия Тарасова эса 6,15 метр натижага кўрсатди. Тажрибали спринтеримиз Гўзал Хуббиеva 100 метрга югуриш бўйича мэррани яна иккинчи бўлиб кесиб ўтди ва учинчи босқич баҳслари якуннада ҳам кумуш медални кўлга киритди. Григорий Камуля эса ядро улоқтириш бўйича барча уч босқич баҳсларида З-уринни эгаллаб, З та бронза медалик бўлди.

Шри-Ланканинг Коломбо шахрида бўлиб ўтган Осиё Гран-присининг якуний босқич баҳсларида спортчиларимиз 2 тадан олтин ва кумуш, битта бронза медални кўлга киритиши. Узунликка сакраш бўйича Дарья Резниченко 6,34 метр натижага қайд этиб, Осиё Гран-присининг олтин медалига учинчи марта сазовор бўлди. Кичик сержант Юлия Тарасова яна Дарьядан ортда қолди – 6,20 метр натижага ва кумуш медаль. Баландликка сакрашда кичик сержант Надежда Дўсанова Бангкок ва Чонбуридагидан яхшироқ натижага (1,93 метр) кўрсатиб, асосий рақобатчилари – хитойлик Ванг Янг ва хиндистонлик Саҳана Кумарига ҳеч бир имконият қолдирмади ва олтин медаль билан тақдирланди.

Хиндистоннинг Пуна шаҳри мезбонлик қилиган енгил атлетика бўйича 2013 йилги Осиё чемпионатида эса 43 давлатдан 1 000 нафарга яқин спортчилар қатнаши. Ўзбекистон енгил атлетикачилари ушбу мусобақанинг 3 та олтин, 4 та кумуш, битта бронза медалига эгалик қилиши. Таъкидлаш жоиз, МҲСК аъзоларининг муваффақиятлари салмоғи аввалги қитъа биринчиларига солиштирганда уч баробар юқорироқ бўлди, яъни ҳамюртларимиз кўлга киритган жами 8 та медалнинг 3 та олтин, 2 та кумуш, битта бронза, жами 6 тасига армиямиз спортчилари эриши.

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДАН 45 ТА МЕДАЛЬ!

2013 йил Самарқанд эшкак эшиш каналида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича XV Осиё чемпионати ўтказилди. 2012 йили мазкур мажмууда ўтказилган «Самарқанд юлдузлари» халқаро турнирида юртимиз вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни кўлга киритганди, XV Осиё чемпионатида ушбу муваффақият яна такорланди. Юртимиз илк марта мезбонлик қилиган қитъа биринчилигига 30 га яқин давлатнинг 450 нафардан ортиқ спортчилари қатнаши. Байдарка ва каноэчиларимиз барча жабҳада рақибларидан устунлик қилиши. Буни катталар ва ўсмирлар ўртасидаги мусобақада спортчиларимиз томонидан кўлга киритилган медаллар сони ҳам кўрсатиб туриби – 15 та олтин, 15 та кумуш ва 15 та бронза, жами 45 та (!) медаль. Ушбу муваффақиятга МҲСК вакиллари муносиб ҳисса қўшиши. Осиё байдарка ва каноэ федерацияси президенти Шокин Нарита мазкур чемпионат ташкилий ва бошқа жиҳатлари билан шу пайтгача ўтказилган қитъа биринчиларни орасида энг яхшиси ва нуфузлиси бўлганлигини эътироф этди.

## АРМИЯ ТЕННИСЧИЛАРИ ГОЛИБ

Пойтахтимизда тенис бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида «NBU Cup – 2013» халқаро турнири, Филиппиннинг Манила шахрида Осиё чемпионати ўтказилди. МҲСК ёш тенисчилари ушбу мусобақалар қаҳрамонига айланиши. Хусусан, Арина Фольц пойтахтимиздаги халқаро турнирнинг иккита совринига эгалик қилди. 16 ёшли тенисчи жуфтлик баҳсларида америкалик Айла Аксу билан биргаликда ўйнади. Бир-бира ни яхши тушуниб ҳаракатланган ушбу жуфтлик турнирнинг бош совринини кўлга киритди. Мазкур ҳамкорликда Арина ўз жуфтлигининг имкониятларини яхшироқ билиб олгани яккалик баҳсларида маълум бўлди. Чунки айнан улар яккалик баҳслари финалида бир-бира қарама-қарши келди. Қизиқарли кечган баҳс 6:2, 6:7, 7:6 ҳисобида Аринанинг ғалабаси билан якунланди ва у «NBU Cup – 2013» турнирнинг бош совринини кўлга киритди. Ўсмирлар ўртасидаги яккалик баҳсларида ҳам МҲСК тенисчиси голиб чиқди. Биринчи рақамда сараланган Жўрабек Каримов финалда буюк британиялик Асвин Лизенни 4:6, 6:3, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Жўрабек жуфтлик баҳсларида ҳам қозогистонлик Сагадат Аяп билан биргаликда голибликка эриши.

Филиппинда ўтказилган Осиё чемпионатининг жуфтлик баҳсларида МҲСК вакили Камола Умарова хиндистонлик Ядав Михика билан бирга ўйнади.

Фақат финалда ушбу жуфтликка Рен Жиаки/Танг Ятонгдан иборат Хитой жуфтлиги яхши рақобатчи бўлди. Биринчи сетда Хитой дуёти 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди. Тенг кураш остида кечган иккинчи сет 7:5 ҳисобида Михика/Умарова жуфтлиги фойдасига ҳал бўлди. Голибни аниқлаш учун ташкил этилган қўшимча сетда Ядав ва Камола жуфтлиги 10:6 ҳисобида ғалаба қозонди ва Осиё чемпиони бўлди. Камола яккалик баҳсларида ярим финалга қадар муваффақиятли одимлади. МҲСК вакили сўнгги баҳсда Жунужанти Срутни 6:1, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, Осиё чемпионатининг бронза медали билан тақдирланди.

## «СЕҲРЛИ ҚЎЛҚОП» СИРЛАРИ

2002 йилги «қитъа Олимпиадаси»да деярли барча вазн тоифасида совриндор бўлган боксчиларимизни қитъа матбуоти «ўзбек шерлари» дея атаганди. Чарм қўлқоп усталаримизнинг халқаро майдондаги ана шу мавқеи 2010 – 2013 йилларда бироз пасайди. Хусусан, 2011 йилда Боку шахрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида бирорта боксчимиз ҳал қилувчи финал баҳсига чиқолмади – МҲСК аъзолари катта лейтенант Элшод Расулов ва Жасурбек Латипов ўз вазн тоифасида бронза медалга сазовор бўлди. Бу дунё боксида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлган мамлакатимиз бокси учун паст кўрсаткич, албатта

2013 йил  
Қозогистонда ўтказилган XVII жаҳон чемпионатида ҳам чорак финалгача муваффақиятли этиб борган 6 нафар боксчимиздан фақат Жасур-



бек Латиповни (52 кг) олтин медаль учун кечган сўнгги ринг жангларида кўрдик. Энг қизиги, ярим финалда рўй берди. Боксчимиз икки йил муқаддам ўтказилган жаҳон чемпионатида уэльслик Эндрю Селбига ютқазиб, юртимизга бронза медаль билан қайтганди. Ушбу боксчилар яна жаҳон чемпионатининг айнан ярим финал баҳсида бир-бира рўбарў келди. Бу Жасурбекка ўша мағлубият аламини олиш учун ажойиб имкон эди ва у бунинг уддасидан чиқди – ҳакамлар уч раунд баҳсларининг иккитасида ҳамюртимиз, биттасида Европанинг амалдаги чемпиони устун келганлигини қайд этиши. Ҳал қилувчи финал баҳсида эса Жасурбек амалдаги жаҳон чемпиони россиялик Миша Алоянга имкониятни бой берди ва биринчиларинг кумуш медали билан тақдирланди. Ойбек Мамазулунов (81 кг) эса ярим финалга қадар муваффақиятли жанг қилди ва ушбу босқичда қозогистонлик Адилбек Ниязимбетовдан мағлубиятга учраб, бронза медаль билан кифояланди. Аввали жаҳон чемпионатида 2 та бронза медаллик бўлган боксчиларимиз бу сафар натижаларини бирмунча яхшилашга эришиши – биттадан кумуш ва бронза медаль.

2013 йил Иорданияда ўтказилган бокс бўйича Осиё чемпионатига терма жамоамиз негизи талаба-боксчилардан иборат деярли иккинчи рақамли чарм қўлқоп усталари билан борди. «Сеҳрли қўлқоп» ва «сеҳрли қалпоқ» сирларини англаб етган МҲСК вакили Ойбек Мамазулунов (81 кг) ярим финалда таиландлик Анават Тсонгкратокни мағлуб этиб, финалда қозогистонлик Адилет Ниязимбетовдан устун келди ва қитъа чемпиони бўлди. Шу тариқа 1995 – 2013 йиллар давомидаги Осиё чемпионатларида ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари томонидан кўлга киритилган олтин медаллар сони 27 тага етди.

## 17 ТА ОФИР МЕДАЛЬ!

Қатарда оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида 7 нафар спортчимиз 4 та олтин, 4 та кумуш, 9 та бронза, жами 17 та медалга сазовор бўлишиди. Хусусан, МҲСК вакили Азимжон Фаниев (-94 кг) ва Элёр Кенжаев (+94 кг) терма жамоамиз ҳисобига учтадан бронза медални тақдим этиши. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида 21 давлат орасида кучли учликдан жой олди.

## ЎЗБЕК ДЗЮДОСИ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Юртимизда навқирон авлодни жисмонан ва маънан етук инсонлар этиб тарбиялашнинг муҳим воситаси – спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунинг самарасида Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида Ватанимиз байробини баланд кўтараётган спортчиларимиз сафи кенгаймоқда. Ўзбекистон кўплаб йирик мусобақаларга мезбонлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритаётгани ҳам Ватанимиз спорт салоҳиятининг юксалиб бораётганидан далолат. Хусусан, Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) ҳар йили 10 та мамлакатда ўтказиладиган Гран-при туркумидаги мусобақаларидан бирига мезбонлик қилиш ҳуқуқини 2013 йилдан Тошкент шахрига берди. Бу, албатта, мамлакатимиз спортда жуда катта ютуқ бўлди. Биринчидан, бу юртимиз спортни Халқаро дзюдо федерацияси томонидан расман эътироф этилишидир. Иккинчидан, Гран-при турнирининг юртимизда ўтказилиши кўплаб ёш дзюдочиларимиз учун кенг имкониятлар

эшигини очди. Чунки мусобақа қоидасига кўра, бундай турнирда меҳмон мамлакатларнинг бир нафар, рейтингга кўра айрим вазн тоифаси бўйича 4 нафардан гача спортчисини баҳсларга кўйиш ҳуқуқига эга. Демакки, Гран-при турнири мезбонларнинг ёш полвонлари учун катта тажриба ортириш мактаби вазифасини ўтайди, ўз навбатида, етакчи дзюдочилари учун Олимпия ўйинларида асосий роль ўйнайдиган рейтинг очковларини бойитиши имконини беради.

2013 йил пойтахтимиз илк марта дзюдо бўйича Гран-при туркумига киравчи йирик халқаро турнирга мезбонлик қилди. Мукофот жамғармаси 100 минг АҚШ долларини ташкил этган мусобақада 21 мамлакатнинг 150 нафардан ортиқ дзюдочилар қатнаши. Терма жамоамиз мураббийлари мезбонлик имкониятидан унумли фойдаланиши – 49 нафар спортчими беллашувларга қўйди. Голиба 300, иккинчи ўрин соҳибига 180, учинчи ўринни эгаллаганга 120 рейтинг очкоси берилган мусобақа якунидаги дзюдочиларимиз 5 та олтин, 3 та кумуш, 5 та бронза, жами 13 та медални кўлга киритишида ҳамюмжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Учтадан олтин ва бронза ҳамда 2 та кумуш медални кўлга киритган Бразилия терма жамоаси иккинчи, АҚШ дзюдочилари эса битта олтин ва 3 та кумуш медаль билан учинчи бўлишиди. Терма жамоамиз муваффақиятига МҲСК дзюдочилари ҳам муносиб улуш қўшиши. Хусусан, Тошкент Гран-при сининг иккинчи кунги беллашувлари қаҳрамони МҲСК вакили Шерали Жўраев бўлди. 90 кг вазн тоифасида татамига чиқкан халқаро тоифадаги спорт устаси финалда ўш полвонимиз Эркин Дониёрови мағлуб этди. Бронза медаль учун беллашув ҳам ўзбекистонлик спортчилар ўртасида кечди ва унда тажрибали полвонимиз Дилшод Чориев ғалаба қозонди. Халқаро дзюдо федерацияси иккинчи кунги беллашувларнинг «Энг яхши дзюдочиси» деб Шерали Жўраевни эътироф этди. Гран-прининг учинчи кунни тата-мига чиқкан МҲСК вакилларидан кичик сержант Рамзидин Сайидов (100 кг) кумуш, Яхё Имомов (81 кг) бронза медални кўлга киритди.

2013 йилда Париж ва Москва шахарларида анъанавий «Катта дубулға», БААнинг Абу-Даби шахрида эса Гран-при туркумига киравчи йирик мусобақалар бўлиб ўтди. Халқаро майдонда но-расмий жаҳон чемпионати сифатида ҳам баҳолана-надиган Париж «Катта дубулға»сида МҲСК вакили Яхё Имомов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, чемпион бўлди, Дилшод Чориев (-90 кг) эса бронза медални кўлга киритди. Москвада тўрт нафар, Абу-Дабида эса беш нафар юртимиз дзюдочиси шоҳсупага кўтарили.

(Давоми газетанинг келгуси сонларида).

**Расул ЖУМАЕВ,  
«Vatanparvar»**

МУТОЛАА

# Жўра ФОЗИЛ

## БОЙКЎНГИР ЛОЛАЛАРИ (КИССА)

### III ЛОЖУВАРД ОСМОН

Тинкамизни қуритган қаҳратоннинг қуни битиб, баҳор келди. Ўркач-ўркач барханлар сийнаси илиб, ҳаво келинчак бўсасидай ҳарорат олди ва биз, иссик ўлка фарзандларининг анча жонимиз кириб қолди. Қизил, нимпушти, оч-сариқ чўл лолалари тупроқдан бош кўтардилар. Қиши бўйи ўзининг ғарип манзараси билан юракларимизни эзган ҳудудсиз кенгликлар ям-яшил тус олди.

Чошгоҳ. Осмон шу қадар беғубор, кўм-кўк эдики, тикилиб қараганда, кўз тинарди. Тобора баланд-ла ётган қуёш нурларига тўла чўл мавжланарди. Мен ва Самад 10-майдончада топшириқни бажариб, ўз қисмимизга, 95-майдончага қайтиш учун назорат-текширув пости ёнида машина кутардик. Постдаги сержант ва аскарлар ҳужжатларимизни текшириб, уларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилишгач, машина тўхтатиб беришга ваъда қилдилар.

Сабр-тоқат билан кута бошладик. Машинадан эса, ҳа деганда дарак бўлавермади.

Осмон ҳам, қуёш ҳам тобора юксалиб борар, барқутдек ял-ял ёнаётган чор атроф кўзни қамаштирас, баҳор ҳидига тўла эпкин димоқни қитиқларди. Бир маҳал қарасам, Самад елкасидан сафар халтасини ҳам олмай, ўтирган жойида пинакка кетибди. Уни уйғотиб юбормаслик учун секин ўрнимдан турдим-да, шлагбаум ёнида турган сержант билан чақчақлаша бошладим...

Худди шу пайт оппоқ «Волга» шлагбаумга теккудек бўлиб, қаттиқ тормоз берди. Сержант ҳайдовчининг ҳужжатларини текшираётганда, машинанинг орқа эшиги очилиб, ундан оппоқ кийинган бир қиз тушди.

Ҳужжат текшираётган сержантнинг ҳам, менинг ҳам оғзим очилиб қолди. Қизнинг қошлиари қайрилма, қўнғир-қора соchlари ёрқин юзларига ярашиб тушганди. Эгнида оқ ҳарир кўйлак, билагига қора сумкача осиб олганди.

Сержант ҳайдовчининг ҳужжатларини қайтириб бериб, тўлин ойдек нурланиб, бизга ним табассум билан боқиб турган қизга мурожаат этди:

– Марҳамат қилиб, ҳужжатларингизни кўрсатсангиз.

Қиз янада беғубор жилмайди.

– Ҳужжатларимми, жоним билан!.. Мана!

Қиз сумкачасидан қизил рангли гувоҳнома олиб, сержантга узатди. Унинг овози ўзидан-да чиройли, ёқимли эди. Сержант сурати девор бўлиб, гувоҳномани қўлига олди, бир унга, бир қизга қаради-да, қайтириб берди. Сўнг секингина сўради:

– Сиз полковник Дубининнинг кимлари бўласисиз?

Қиз қувлик билан чиройли кўзларини сузди.

– Бу ҳарбий сир, лекин майли, сизга айтганим бўлсин. Полковник Дубининнинг қизиман.

Қиз шундай деди-да, лабларида ўша ақлни шоширувчи табассум билан машинага ўтириди. Сержант шлагбаумни кўтарди. Машина ўрнидан қўзғалди. Қиз ойнадан қўлини чиқариб, биз билан хайрлашган бўлди.

Анчагача ҳар иккимиздан ҳам садо чиқмади. Қиз бизни сехрлаб, ерпарчин қилиб кетганди. Охири, сержант тилга кирди:

– Полковник Дубининни танисанг керак?

– Танигандан қандоқ, сиёсий бўлим бошлигини танимай бўларканми?

– Эй, ҳудойим, – деди сержант чуқур «уф» тортиб, – одам боласи ҳам шунчалик чиройли бўладими? Бунақа гўзал қизни умрим бино бўлиб, биринчи кўришим.

Қиз таърифи билан банд эканмиз, ёнимизда улкан «Урал» машинаси келиб тўхтади. Сержант ҳайдовчининг ҳужжатларини текширгач, менга «Мана шу машинада кетасизлар», деди. Дарҳол бориб, Самадни уйғотдим.

...Машина бир маромда гувиллаш билан олис йўл танобини тортар, асфальтдан кўтарилаётган иссиқ ҳовур кўнгилни беҳузур қиларди. Самад кўзларини бир нуқтага тикиб, жим ўтирап, мен эса бундан бир неча дақиқа олдинги учрашув хаёли билан банд эдим. Олдимиздан оққушдай учиб ўтган қиз ва Муаттар ўртасида ўхашашлик излардим.

Шу тахлит қанча йўл босдик, билмайман, бир вақт Самад ҳузур қилиб эснади-да, менга қараб жилмайди.

– Ҳа, нега бунча пишган калладек тиржайяспсан?

– Эҳ, – ширин тамшанди Самад, – билансими, тушимда оппоқ ҳарир кўйлак кийган бир паризодани кўрдим, соchlари узун, қар-қарали қалпоқ кийган эмиш-у, негадир ўрисча гапиравмиш. Ҳайрон бўлдим, бизнинг паризодлар ўрисча гапирамасди, шекилли?

Мен кулиб юбордим.

– Ўргилдим, ўрисзабон паризодингдан! Сен уни тушингда эмас, ўнгингда кўрдинг-ку! Ҳали, машина кутаётганимизда, пост ёнидан паризоддан ҳам чиройли бир қиз ўтиб кетди, ўшани айтаяпсанми?

Самаднинг аччиғи чиқди.

– Нима, мениннига чиқармоқчимисан? Мен ўнгимда қиз-пиз кўрганим йўқ! Тушимни айтаяпман сенга!

– Самад, тушунсанг-чи, ҳеч қанақа ўрисча гапирадиган паризод йўқ, фақат, ўша қизнинг ҳужжатларини текширишаётгандан у сержант билан бир муддат гаплашди. Мудраб ўтирганингда шу гаплар қулоғингта чалинган бўлса, ажабмас.

Самад ҳайрон бўлиб, елка қисди. У паризоднинг ўнг эканига, мен эса туш эканига ишонмасдик. Ҳар иккимиз ўз сўзимизда туриб олгандик.

Шу аснода машина қаттиқ силкиниб, тўхтади. Қисмимизга етиб келгандик.

– Сен нима десанг дегин-у, лекин мен у паризодни тушимда кўрдим – деди Самад машинадан тушганимиздан сўнг.

У маъюс тортган, овози ҳам ғамгин эди. Мен индамадим. Самаднинг юрагида қаттиқ соғинч, андух уйғонганини сезиб турардим, ўзим ҳам шу учрашув туфайли Муаттар тўғрисида зўр бериб ўйлаётгандим. Ундан ҳамон хат олганим йўқ эди.

Казармада «базми жамшид»нинг устидан чиқдик: йигитлар таътилдан қайтиб келган Шерназарни қуршаб олиб, у келтирган олма,

(Боши газетанинг ўтган сонларида)

анор, майиз, туршак ва яна алланималарни ҳафсала билан, пок-покиза тушироқда эдилар. Шерназар оғзи қулоқ-чаккасида, уларни мамнун кузатиб турарди. У биз билан қучоқлашиб кўришди ва даврага таклиф қилди. Самад иккимиз ҳам енг шимариб, «ишга киришдик».

Жомадоннинг таги кўриниб қолгач, йигитлар Шерназарга янги куч билан савол ёғдира бошладилар. Ризо эса бизнинг даврага кечикканимизни назарда тутиб, изоҳ берди:

– Жамол, Самад! Шерназарни табриклаб қўйинглар, бу хумпар, ўн кун таътилга бориб, уйланиб қайтиби.

– Э, қойил, шу гап ростми, Шерназар?

– Ҳа, энди, шунаقا бўлиб қолди, – деди Шерназар оғзининг таноби қочиб. – Отам ҳамма тайёргарликни кўриб қўйган эканлар, борганимдан сўнг, уч кун ўтгач, тўй бўлди. Келин ўз қариндошим.

Шерназар кўкрак чўнтагидан авайлаб бир сурат олиб, бизга узатди. Суратда 17-18 ёшлар чамасидаги, атлас кўйлак, ироқи дўппи кийган дўндиққина бир қиз ним табассум билан қараб турарди.

«О-о-о, зўр-ку, дидингга қойил, Шерназар!» хитоблари янгради.

Аскарлар уйланиш, чимилдиқ ва ҳоказоларни ипидан-игнасигача суриштира бошладилар. Бахтдан сархуш Шерназар ҳаммасига эринмай, соддалик билан жавоб берар, илмоқли саволлардан ҳафа бўлмай, жилмайб қўярди.

– Хў-ў-ўш, уйланиш яхши эканми? – сўрайди бир неча овоз бирваракайига.

– Яхши экан, жўралар, жуда маза! – дейди Шерназар ширин энтикиб.

– Нимаси яхши, нимаси маза? – гувиллайди овозлар.

– Шу, ҳаммасиям яхши-да, чимилдиқ, юмшоққина ўрин... Чимилдиқни овқатга тўлдириб қўйишади, писта-бодом дейсанми, майиз у новвот дейсанми... – Шерназар эринмай чимилдиқда еган овқатларини санайди.

– Сен чимилдиқда фақат овқат едингми ёки бошқа бирор иш ҳам қилдингми? – унинг жигига тегмоқчи бўлишади йигитлар. Шерназар ҳафа бўлмайди, сухбатни давом эттиради.

– Янгалар-чи, янгалар пойлоқчилик қилишмадими? – яна саволга тутамиз бир ҳафталик күёвни.

– Пойламоқчи бўлишганди, мен уларга дангалини айтиб қўя қолдим. «Хой, янгалар, мен аскарман, Қозогистоннинг чўлида ракеталарга пойлоқчилик қилавериб, жуда уста бўлиб кетганман. Уларнинг инжиқлиги бир қизникидан қолишмайди», дедим. Кейин бизни тинч қўйишди. Энди, янгалар менга бегона эмас-ку, ҳазилни тушунишади-да, – деди Шерназар.

Шерназарнинг хатти-ҳаракатлари бироз ўзгарган, у бизга «сенлар ҳаётда ҳали нимани қўрибсанлар?» қабилида сал баланддан назар ташлаб қўярди.

Шу оқшом биз, бўйдоқлар күёвлик баҳтига мұяссар бўлган бу содда, тўпори йигит билан жуда узоқ сухбатлашдик.

Орадан кўп ўтмай, бўлинмамиз мусаффо, салқин тонгларнинг бирида чексиз қум уммонининг 191-майдонча аталмиш гўшасига етиб келди. Биз деворларидан фир-фир шамол ўтиб, тунда томидан юлдуз қўринадиган бир чордеворга жойлашдик. Чордевор бу ердан юз қадам нарида жойлашган 191-жанговар қитъалараро ядро ракетаси комплексини барпо этиб, яқинда жўнаб кетган ҳарбий қурувчилик ротасининг вақтингчалик манзили экан. Кулол мундида сув ичади, деганларидек, саноқли дақиқалар мобайнида Америка қитъасига ета оладиган замонавий жанговар ракета комплекси барпо этган ҳарбий қурувчилик яшаган, энди биз истиқомат қилишимиз лозим бўлган маскан чўчқаҳонадан кам фарқ қиларди.





Бу ўринда жанговар ракета комплекси ҳақида сизда тасаввур ҳосил бўлиши учун қисқача маълумот беришимга тўғри келади.

Жанговар ракета комплекси ер қаърига 40-45 метр кириб кетган «стакан», унга туташ неча ўнлаб ер ости хоналари, электр станцияси ва бошқа ёрдамчи хизматлар учун керакли ускуна, анжомлардан иборат. Хоналарнинг бир қисми ракетани учиринша, бир қисми ер ости навбатчилигидағи аскарларга хизмат қиласди. Хоналарнинг бирида ракетани учирувчи кнопкага жойлашар, унинг ёнида офицерлар туришар ва бу ердан Москва, Баш штаб билан тўғридан-тўғри алоқа мавжуд эди. «Стакан»да эса бизга душман мамлакатнинг қайсиидир шахрини бир неча дақиқада кунпая-кун қилишга қодир ракета сақланарди.

Ҳикоя қиласидан оддий аскарнинг ақли этиб, кўзи илғаган нарсалар. Ҳарбий техниканинг энг сўнгги ютуқларига асосланган бу даҳшатли қирғин қуороли ҳақида батафсил маълумот бериш ўша соҳа мутахассисларнинг қўлидан келади, холос. Менинг вазифам ва илинжим эса қуролланиш пойгасининг азобларини елкаларида кўтарган оддий ўзбек аскарларининг кечинмаларини кўрсатишдан иборат.

Хуллас, Бойқўнирнинг энг олис гўшасидаги 191-майдонча қуриб бўлинган, лекин ҳали унга жанговар ракета ва каллак қўйилмаган, ана шу вазифани амалга ошириши лозим бўлган ҳарбий ва фуқаро мутахассисларга бўлинмамиз кўмаклашиши керак эди. Биз асосан қора ишларни бажаардик.

191-аталмиш бу лаънати майдонча қисмиздан неча юз чақирим олисда бўлиб, ҳат-хабар 20-25 кунда бир маротаба олиб келинар, боз устига, қорин тўйдириш ахволи ҳам ҳаминқадар эди.

Тўрт томон яйдоқ чўл. На кино, на ҳат-хабар, на газета-журнал бор. Кучимиз фақат тўртта-бешта бўлиб, чақчақлашишга етар, сухбатларнинг асосий мавзуси ўй, боз қаҳрамонлари юрагимизга яқин кишилар эди.

Ундан ҳат-хабар жуда кечикиб келиши бизни зериктирас, айниқса, хотинидан анчадан бери мактуб ололмаётган Шерназар жуда сиқиларди.

Аввалига йигитлар унинг қийналаётганига унчалик эътибор қилишмади. Лекин орадан икки ой ўтиб ҳам Шерназар хотинидан ҳат олмагач, уни очиқдан-очиқ мазах қилишга ўтдик.

Хотин зоти нима эканини ва бу мавжудот вақти келиб, айrim шўрлик эркакларни не кўйларга солиши мумкинлигини ўшандада билмаган биз, бўйдоқлар бечора Шерназарни йиғлатардик.

– Нима, у сенинг юзингдан ой кўрибдими, бирортасининг этагини тутиб кетгандир-да... – дердик биз.

– Ўйга борсам, уни нима қилишни ўзим биламан, – дерди Шерназар бўғилиб.

– Хў-ў-ў-ш? Нима қиласан?

– Ўзим биламан, ўзим, аҳмоқлар, эшшаклар, ваҳшийлар! – Шерназар хўнграб йиғлаганича, даврадан қочиб кетар, кеч тушгунча чўлда тентираб юрар, ҳатто, айrim пайтларда кечки овқатга ҳам келмасди. Биз уни қийнаб ҳузур қиласдик. Лекин ўз навбатида, таниш қизлардан ҳат ололмаётган бошқа йигитлар, жумладан, ўзим ҳам ғамгин торттардим ва мен Шерназарни юпатишга ҳаракат қиласдим. Шерназар юпанмас, тонггача «уф» тортиб, ўринда ағанаб чиқарди.

Нихоят, 191-майдончадаги ҳаётимизнинг учинчи ойи охирларида Шерназар хотинидан бирданига бир даста ҳат олди. Биз Шерназар қувончдан эсини йўқотиб қўяди ёки яна йиғлаб юборади, деб ўйлагандик. Йўқ, Шерназар синиқина жилмайиб, мактубларни олди-ю, чўнтагига солиб, биздан нари кетди. «Қани, ўқи-чи, хотининг нима деб ёзиби?» деган саволларга парво қилмади. Шундан сўнг хизмат тугагунча, у бировга кўнгил очмади. Оломон унинг қалбидаги энг соғ, энг бокира туйғуларни ҳақоратлаган, топтаган эди...

(Давоми газетанинг келгуси сонида)

## ЗАЩИТА РОДИНЫ – СВЯЩЕННЫЙ ДОЛГ

# ТРИ ЧЕМПИОНА В ОДНОЙ ВОИНСКОЙ ЧАСТИ

**“** Служить в рядах национальной армии всегда было делом чести и достоинства. Каждый раз, общаясь с молодыми солдатами, мы убеждаемся в том, что они являются представителями счастливой молодежи Узбекистана. Ведь только самые достойные защищают нашу Родину. Три героя нашей статьи служат в воинской части, расположенной в Зангиатинском районе Ташкентской области. Как оказалось, все три солдата – чемпионы!

• Рядовой Асадбек Туланбаев родился и вырос в Учкурганском районе Наманганской области, является двукратным чемпионом Республики Узбекистан по рукопашному бою, не раз завоевывал призовые места на международных турнирах и чемпионатах. Активно участвует в жизни воинской части.

– Рукопашным боем я увлекся благодаря своему младшему брату, – говорит Асадбек. – Однажды он пригласил меня в спортивный зал, где проходили тренировки. После школы мы с братом часто посещали зал, я даже не заметил, как это мое увлечение стало повседневным. Понапачу, конечно же, было трудно войти в ритм рукопашного боя. Данный вид спорта включает в себя несколько видов боевых искусств, от того и требует больше усилий и тренировок. Но благодаря советам моего брата и наставлениям тренера Зайнобиддина Йулдашева справился со всеми трудностями.



Как говорит рядовой Асадбек Туланбаев, в воинской части созданы все необходимые условия как физического, так и духовного саморазвития. После службы в армии Асадбек и дальше собирается заниматься рукопашным боем, участвовать в крупнейших турнирах и соревнованиях, защищать честь нашей страны на международной арене.

• Рядовой Абдулазиз Алиев тоже из Наманганской области. После окончания школы начал профессионально заниматься футболом в специализированной футбольной академии клуба «Навбахор».

– Служба в армии по-настоящему дело чести и гордости каждого мужчины, – говорит Абдулазиз. – Благодаря армии я понял, для того, чтобы достичь цели, необходимо упорно заниматься над собой, соблюдать дисциплину, не оставлять дела на потом. В армии командиры учат нас не только военной теории, но и жизни, всегда выбирать правильный путь, заниматься тем делом, которое действительно доставляет удовольствие.

Как отметил рядовой Абдулазиз Алиев, воинскую часть часто посещают старшеклассники и это очень радует.

– Они знакомятся с воинской частью, мы, как их старшие братья, даем советы, на какие предметы надо «поднажать» в школе, чтобы потом было легче на службе. Знакомим с армейским бытом.



Абдулазиз, как и его отец, мечтает стать военнослужащим. В будущем планирует поступить в Академию Вооруженных Сил Республики Узбекистан. Его девиз быть достойным своих родителей.

• Рядовой Баходир Абдусаломов с детства мечтает стать военным летчиком. Он поставил перед собой цель – поступить в Высшее военное авиационное училище. Этот парень из Сурхандарьи до службы в армии занимался таэквондо WTF, становился чемпионом и призером на различных турнирах и соревнованиях.

– Армия – это ни с чем не сравнимая школа жизни для мужчины, – начал разговор Баходир Абдусаломов. Здесь я приобрел настоящих друзей, стал более дисциплинированным. Армия – это жизнь по расписанию. Нас командиры учат управлять своим временем. Тот, кто контролирует свое время, обязательно достигнет успеха во всем.

– Для молодого человека, – говорит Баходир, – после армии открываются перспективы: он может дальше служить по контракту, устроиться на желаемую работу, и, конечно же, поступить в военное училище. Год в армии пролетает в один миг. Вроде как недавно приняли присягу, и вот уже через несколько месяцев пора прощаться.

Как вы и убедились, наши герои ставят высокую планку. Они пообещали нам учиться и работать над собой, чтобы обязательно достичь своих целей. А нам остается пожелать им только успехов в их жизненных путях.

Чингиз РАЙМБЕРДИЕВ



### Статья 52.

Защита Республики Узбекистан – долг каждого гражданина Республики Узбекистан. Граждане обязаны нести военную или альтернативную службу в порядке, установленном законом.

**ЖАРАЁН**

# ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

“ Тошкент вилоятида жойлашган алоқачилар ҳарбий қисмидаги «Конституция - Баш қомусимиз» шиори остида очик эшиклар куни ўтказилди.

Унда Олмазор туманинадаги 146, 185, 165, 191-умумтальим мактабларининг бир гурӯх ўқувчи ёшлари ҳарбий қисмда меҳмон бўлишиб, бу ерда ҳарбий хизматчиларнинг хизматни ўтш ва кундалик фаолиятлари учун яратилган шарт-шароитлар, мавжуд қурол-аслаҳалар, ҳарбий техникалар, озиқ-овқат турлари, кийим-кечаклар, спорт майдонлари ва жиҳозлари билан яқиндан танишиди.

Тадбирда ҳарбий қисм муддатли ҳарбий хизматчиларининг қўй жангига, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти курсантлари «Фахрий қоровул» взводининг кўргазмали чиқишлари ҳамда Мудофаа вазирлиги Махсус-авария тиклаш бошқармаси ҳарбий қисмининг «Импульс» ансамбли жамоасининг концерт дастури намойиш этилди.

А. АХМЕДОВ

**МАЛАКА**

“ Мудофаа вазирлиги тарбиявий ва мафкуравий ишлар органлари офицерлари учун «Ҳарбий хизматчиларда бузғунчи ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш асослари» йўналишида икки ҳафталик малака ошириш курси ташкил этилди.

# БУЗҒУНЧИ ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ



– Мудофаа вазирлиги офицерларига университетимизда олган билимлари учун маҳсус сертификатлар топширилди. Мафкуравий майдонда бузғунчи ғояларга қарши курашувчи тажрибали ҳарбий хизматчиларни мамлакатимиз равнақи, юртимиз тинчлиги учун хизмат қиласидаги кадрлар, дея айти оламиз, – дейди малака ошириш маркази директори, тарих фанлари номзоди Дурбек Раҳимжонов.

Халқаро ислом академияси малака ошириш марказида 60 нафар тингловчи «Давлат ва дин муносабатларининг хуқуқий асослари», «Ҳарбий хизматчиларда ёт ғояларга қарши иммунитетни шакллантиришда ахборот истеъмоли маданиятининг ўрни», «Мутаассиб гурӯҳлар таъсирига берилishning психологияк асослари ва уларни соғлом ҳаётга қайтариш усуслари», «Миссионерлик: моҳият, мақсад ва оқибатлар», «Ўзбекистонда фаолият кўрсатадиган ноисломий диний ташкилотлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари» каби мавзууларда маъruzalarни тингладилар. Шунингдек, малака ошириш курси давомида тингловчиларга «Имом Термизий», «Абдулла Авлоний» фильмлари намойиш қилинди. Ҳарбий хизматчилар турли зиёратгоҳларида бўлиб, дин соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, маънавий-маърифий йўналишда қилинаётган ишлар билан ҳам танишдилар.

А. РЎЗИБОЕВ

# ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

“ Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг 29 йиллиги муносабати билан Наманган вилояти кенгashi томонидан ўтказилган байрам тадбирида вилоят ҳокими Ш. Абдураззоқов, Олий Мажлис Сенати аъзоси И. Нажмиддинов ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, меҳнат фахрийлари иштирок этди.



– Мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва бақувват қилиб вояга етказишига жиддий эътибор қаратилаётгани боис, ташкилотимизда ҳам спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш ва унинг аҳамиятини тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилмоқда, – дейди вилоят кенгashi раиси, ҳалқ депутатлари Наманган вилояти кенгashi депу-

тати Аҳмаджон Алаходжаев. – Шубдан бир қаторда янги спорт тұғаралари ҳам ташкил этилмоқда.

Тадбир давомида меҳмонлар ташкилот фаолиятига оид кўргазма, ёшларнинг чиқишлари, турли мусобақа ғолибларини тақдирлаш маросими, концерт дастурига гувоҳ бўлдилар.

Акбар АЛИ

# ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЁШЛАР «ҒАЛАБА БОҒИ»ДА

Тошкент шаҳридаги «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти кенгashi, Тошкент ҳарбий округи, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси ҳамкорлигига З декабр – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Зангига тумани ва Нурафшон шаҳридаги имконияти чекланган ёшларнинг истак ва орзуларини амалга ошириш мақсадида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди» шиори остида тадбир ўтказилди.

Тадбир давомида меҳмонлар учун Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари ҳамроҳлигига «Шон-шараф» давлат музейи бўйлаб экскурсия уюштирилди.

Якунда болажонларга эсадалик совғалар топширилди.

**Подполковник  
Сардор АБДУСАМАТОВ**



**МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# БАРКАМОЛ АВЛОД - КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ



- Бундан кўзланган асосий мақсад эса, албатта, туманимиз ёшларини баркамол шахслар сифатида тарбиялаш ишларини бугунги кун талаби асосида ташкил этиш, – дейди ЎСТК бошлиғи Давронбек Қодиров.

- Албатта, бу борада ўтказиб келинаётган оммавий ватанпарварлик тадбирлари ҳам яхши самара бермоқда. Ана шундай тадбирлардан бири яқинда «Ватанпарвар» ташкилоти ташкил этилганлигининг 29 йиллиги муносабати билан ўтказилди. Ушбу байрам тадбири спортнинг бир қанча турлари бўйича туманлар (*шахар*) ЎСТК раҳбарлари иштирокида ҳам ташкил этилди. Тадбир сўнгиди фаолларни, спорт мусобақалари ғолибларини тақдирлаш маросими тантанали равишда ўтказилди.

Кези келганда таъкидлаб ўтиш жоизки, кейинги йилларда ташкилотда ҳайдовчилар тайёрлаш борасида ҳам кўпгина амалий ишлар қилинмоқда. Айни пайтда бу ерда «B», «BC», «C», «D» ҳамда «E» тоифали ҳайдовчилар тайёрланмоқда. Бугун замонамизning шиддат билан ривожланиб бориши ҳайдовчи тайёрловчи мактаблар фаолиятини ҳам бугунги кун талабларига жавоб беришга ундейди. Шу боисдан ҳам бўлажак ҳайдовчилар маликасини ошириш мақсадида бутун ўқитиш тизимини ўз ичига олган анимация эффектлари, электрон ўқув-услубий қўлланмалар, ҳар бир синфхонасидаги инновацион видеопроекторлар, компьютерлар жамламаси, аудио ва видео кузатув тизимлари ҳамда замонавий русумдаги ўқув автомобиллари билан таъминланганлиги ходимларнинг эндилиқда самарали меҳнат қилишлари учун янада кенг имкониятларни яратди.

Баркамол авлод ҳақида сўз борганда, албатта спортнинг ўрни ҳам бекиёс. Шу боис ёшлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда ЎСТКда фаолият кўрсатаётган ҳаво милтиғидан ўқ отиш, ёзги биатлон ҳамда авиамодель каби спорт секцияларида 36 нафар ёш спортчи муентазам шуғулланмоқда. Ўз навбатида клуб аъзолари – спортчилар ташкилот нуғузининг юксалишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшмоқда.

Ёш авлоднинг келажакда жисмонан соғлом, маънан баркамол инсонлар бўлиб етишларига жиддий эътибор қаратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири. Ҳар бир ўғил-қиз болалигиданоқ спортга ошно бўлиб, Ватанни асраб-авайлашга ўрганса, ўз-ўзидан улар қалбida элу юртга мухаббат тўйғуси ҳам чуқур илдиз отиши шубҳасиз.

**Акбар АЛЛАМУРОДОВ**

“ Ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб вояга етказиш, ўғил-қизларимиз қалбida яратувчанлик ҳамда бунёдкорлик, шу билан бир қаторда, юрт ободлигига интилиш ҳиссини шакллантириш ҳар жиҳатдан устувор аҳамият касб этадиган масалалардан. Бўндан роппа-роса 29 йил муқаддам ташкил этилган Узбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳам бугунги кунда айни мақсадга хизмат қилувчи чоратадбирларнинг изчил ижросини таъминлашга ҳисса қўшмоқда. Хусусан, ташкилотнинг Хоразм вилояти кенгashi тасарруфидаги Урганч тумани ўқув-спорт техника клуби (ЎСТК) томонидан ҳам бундай ишлар кўламини ошириш мақсадида ватанпарварлик тарғиботи фаол тарзда олиб борилмоқда.



## РЕГБИ

Мамлакатимизда регби-15 спорт турини янада оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар нафақат аҳоли, балки ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳам соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ўзига хос ўрин тутади. Ўзбекистон терма жамоаси асосини ташкил этадиган Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш (ОСНР) маркази жамоасига жанубий африкалик тажрибали мураббий Андре Нюманнинг таклиф этилгани ҳам мазкур спорт турини нафақат республикамизда, балки жаҳон миқёсига олиб чиқишга эътибор қаратилаётганининг исботидир.

Бундан ташқари, Қуролли Кучлар тизимида ҳам 2014 йилдан буён регби-15 бўйича Ўзбекистон чемпионати анъанавий тарзда ўтказилиб келинади. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ўртасидаги мудофаа вазири Кубоги учун очик чемпионат баҳсларини ҳам улар қаторида кўрсатиш мумкин.

Бу йилги мусобақанинг гурух босқичида Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлигидан жами ўнта жамоа иштирок этди. Мудофаа вазирлиги спорт маркази ўйингоҳида мудофаа вазири ўринбосари полковник Алишер Норбоев ва Ўзбекистон регби федерацияси бош котиби Қаҳрамон Жалилов, терма жамоа мураббийи Андре Нюман қатнашчиларга омад тилаган ҳолда чемпионатнинг биринчи ўйинига старт берилди. Унда мусобақанинг ўтган йилги ғолиби – Шарқий ҳарбий округнинг «Жасорат» ҳамда Чирчик олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртнинг «Танкчи» жамоалари ўзаро баҳс олиб борди. Қизиқарли ва муросасиз кечган учрашув «Жасорат» жамоасининг 60:0 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

Чирчик олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ва ОСНР маркази ўйингоҳларида бўлиб ўтган гурух босқичи учрашувларидан сўнг яrim финачилар номи аниқланди. Ўз гурухларида биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритган «Жасорат», «Лочин», Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш



## ПАРЛАМЕНТ МАЪҚУЛЛАДИ



Эрон парламенти мамлакатнинг ядрорий фаолиятини фаоллаштириш тўғрисидаги қонуннинг умумий қоидаларини тасдиқлади, деб хабар қиласи РИА Новости. Агентлик маълумотига кўра, бу қоидалар 251 нафар депутат томонидан маъқулланган. Эронлик таникли физик олим, ядрорий тадқиқотлар раҳбари Муҳсин Фахризоданинг ўлдирилиши мазкур қонун лойиҳасининг тезкор тартибда кўриб чиқилишига сабаб бўлган. Парламент аъзолари қонун лойиҳасининг алоҳида қоидаларини ҳам муҳокама қилишлари кўзда тутилган.

## ОЛИМПИАДА ҚИММАТЛАШМОҚДА



2021 йилда Токиода бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ўйинлари ташкилотчилари коронавирусга қарши кураш учун қўшимча 100 миллиард иена (960 миллион доллар) сарфлашига тўғри келади. Бу маблағлардан қўшимча тиббий ускуналар харид қилиш ва тест тизимини ташкил этиш учун фойдаланилади. Эслатиб ўтамиз, мазкур Олимпия ўйинлари 2020 йилнинг 24 июль – 9 август кунлари ўтказилиши лозим эди, аммо пандемия сабабли бир йилга сурилган ва 2021 йилнинг 23 июль – 8 август кунлари ўтказилади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



Квинсленд штатининг Бирва шаҳридаги ҳайвонот боғига Гиннессининг рекордлар китобига киритилган Форрест номли жирафа яшайди. Унинг бўйи беш ярим метрдан иборат, деб хабар беради «Up!» агентлиги. Ҳайвонот боғига Ирвин Бинди оиласи эгалик қиласи. «Бизнинг қадрдан Форрестимиз дунёдаги энг баланд бўйли жирафа сифатида Гиннессининг рекордлар китобига киритилди! Биз баланд бўйли жоноворимиз билан фахрланамиз, унинг катта ва меҳрибон юраги бор», деб ёзди Ирвин.

## РЕКОРДЧИ ЖИРАФА

**ХОРИЖ АРМИЯЛАРИДА**

# АНГОЛА РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚУРУҚЛИКДАГИ ҚҮШИНЛАРИ

“ Африка қытъасининг жануби-ғарбидаги, Атлантика океани соҳилида жойлашган, майдони бўйича кенг ҳудуд ва фойдали қазилмаларнинг улкан захиралари (шу жумладан, нефть ва олмос захиралари) эга бўлган Ангола Республикаси тропик Африкадаги энг бой мамлакатлардан бири ҳисобланади. Ўтган асрнинг 70 – 80-йилларида бу мамлакат сабиқ Итифоқнинг яқин ҳамкорларидан бири бўлган ва бу орқали ундан катта микдорда жанговар техника ва қуроллар олган. Уларнинг аксарият қисмидан ҳозирда ҳам фойдаланилмоқда. 1975 – 2002 йилларда Анголада фуқаролар уруши ва шу билан бир вақтда (1975 – 1988 й.), Жанубий Африка Республикаси қарши уруш кечган. Катта йўқотишлар ва вайроналарга қарамай, мамлакат армияси ҳар икки урушда ҳам ғолиб бўлган.

Мамлакатнинг ҳарбий-сиёсий раҳбарияти миллий Қуролли Кучларни ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келмоқда. Бунга кўшини Конго Республикасида ҳукм суроётган бекарор вазият ҳамда ўзини тарихий партия деб ҳисобловчи Ангола озодлиги миллий фронти (ФНЛА)нинг сиёсий майдонда алоҳида ўрин талаб килаётгани сабаб бўлмоқда. Шу туфайли ҳам Қуролли Кучлар мамлакат хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати, хукуматнинг ички сиёсий вазиятни назорат остида ушлаш ва барқарорликни таъминлаш масалаларидағи асосий таяничи, шунингдек, минтақавий сиёсатдаги самарали восита, деб ҳисобланади.

Ангола Қуролли Кучларининг асосий ва энг кўп сонли (104 минг кишидан зиёд) тури ҳисобланувчи Қуруқлиқдаги қўшинлар ўз жанговар имкониятлари бўйича зарурат юзага келган вақтда мустақил равиша, шунингдек, Қуролли Кучларнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда душман қўшинларига қақшатқич зарбалар бериш ва унинг ҳудудини эгаллаш мақсадида ҳужумлар уюштириш, душман ҳужумларини бартарафа қилиш, шу жумладан унинг ҳаво ва денгиз десантига қарши кураш олиб бориш қобилиятига эга. Тинчлик даврида эса бу турдаги қўшинлар зиммасига мамлакат ҳудудини ички ва ташки хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, бўлинмаларнинг эҳтимолий душман агрессиясини бартараф этишга доимий шайлигини таъминлаш, бошқарув органлари ва қўшинларни жанговар ҳаракатлар олиб боришига тайёрлаш, мамлакат инфратузилмасини тиклаш ва тегишли ҳудудларни миналардан тозалаш, халқаро ташкилотлар доирасидаги тинчлиқпарварлик ва инсонпарварлик операцияларида иштирок этиш, шунингдек, авария, ҳалокат ва табиии оғатлар оқибатларини бартараф қилиш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш борасидаги махсус топшириқларни бажариш, давлат чегараларини кучайтириш тадбирларида иштирок этиш каби вазифалар юкландган.

Мамлакат ҳудуди бешта ҳарбий округ – «Марказий», «Шимолий», «Жанубий», «Шарқий» ҳамда «Кабинда» ҳудудий округига ажратилган. Ҳар бир округ ихтиёрида 1-2 тадан пиёдалар дивизияси бўлиб, улар таркибида мотопиёдалар ва пиёдалар бригадалари бор. Шунингдек, алоҳида танк ва артиллерия бригадалари ҳам ташкил этилган бўлиб, улар пойтахт Луанда шаҳрида жойлашган. Ташкилий жиҳатдан Қуруқлиқдаги қўшинлар бронетанк, мотопиёдалар ва пиёдалар бўлинмалари, шунингдек, жанговар ва фронт орти таъминоти қисмларидан ташкил топган. Жанговар таркибида 11 та алоҳида бригада (5 та

пиёдалар, 4 та мотопиёдалар, танк ва артиллерия), 2 та алоҳида батальон (маҳсус вазифаларни бажарувчи ва ҳарбий полиция) ҳамда таъминот қисм ва бўлинмалари мавжуд. Қўшинга қарашли қуроллар ва жанговар техника таркибидан 340 тагача танк (Т-54, -55, -62 ВА -72), 250 дан ортиқ зирҳли жанговар машиналар (БМП-1 ва -2, БТР-80), 470 га яқин артиллерия тўплари, 740 дан зиёд турли калибрдаги миномётлар ва 360 та зенит воситаси жой олган.

Дивизия Қуруқлиқдаги қўшинларнинг асосий тактик қўшилмаси ҳисобланади. Ҳусусан, пиёдалар дивизияси (11 минг киши) 2 та пиёдалар ва битта мотопиёдалар бригадаси, дивизия бўйсунувидағи қисм ва бўлинмалардан ташкил топган. Дивизия бўйсунувидағи ҳарбий қисм ва бўлинмалар таркибига артиллерия ва зенит-ракета полки, танкка қарши



дивизион, алоқа, разведка, муҳандислик-сапёр, таъмиглаш-тиклиш, моддий таъминот ва тиббиёт батальонлари, шунингдек, радиокимёвий қураш-химоя, қўриклиш ва таъминот роталари киради.

Бу турдаги қўшинларда хизмат қилиш учун 18 дан 30 ёшгача бўлган жисмонан соғлом эркак фуқаролар қабул қилинади. Фуқаролар ҳарбий хизматга 2 йил муддатга чақирилади, шунингдек, кўнгиллилар ўртасида қисқа муддатли (16 – 24 ой) ва узоқ муддатли (3-5 йил) шартнома бўйича танловлар ўтказилади.

Қуруқлиқдаги қўшинларни офицер кадрлар билан бутлаш асосан Лобиту шаҳрида жойлашган Умумкўшин офицерлар мактаби томонидан ҳамда резервдаги офицерлар ҳисобига амалга оширилади. Шунингдек, бу турдаги қўшинларга қарашли ўқув муассасалари қаторидан Ангола ҳарбий академияси, А. Нето номидаги университет, қурол тизимларининг кичик мутахассислари мактаби, механик-ҳайдовчилар тайёрлаш маркази, сержантлар мактаби, тил тайёргарлиги маркази, фронт орти кичик мутахассисларини тайёрлаш мактаби ва 3 та ўқув маркази жой олган.

Шунитаъкида жоизки, танк ва зирҳли техника парки анча катта, аммо уларнинг аксарияти ҳозирга келиб анча эскириб қолган машиналардан иборат. Узоқ муддат давомида фойдаланилган, сифатсиз хизмат кўрсатиб келинган қурол ва жанговар техниканинг асосий қисми ҳозирга келиб сафдан чиқсан ёки капитал таъмилашни талаб этади. Керакли замонавий қуроллар харид қилиш учун молиявий имкониятларнинг чегараланганлиги сабабли мавжуд ҳарбий техникани модернизациялаш ва тиклаш, улардан фойдаланиш муддатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бронетанк ва автомобиль техникаси, артиллерия тизимлари, ўқтар қуролларни таъмилаш, авиация техникасига хизмат кўрсатиш марказларини ташкил қилиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Сўнгги йиллар мобайнида ҳарбий-техник ҳамкорлик доирасида Белоруссиядан «Квадрат» типидаги зенит-ракета комплексининг 2 та батареяси, 10 та 203 мм.ли ўзиорар тўп, 8 та 152 мм.ли гаубица, 7 та қўмондонлик-штаб машинаси, Болгариядан 250 та БТР-80 ва БТР-80A, 31 та БТР-70, Хитойдан 105 мм.ли тўп билан жиҳозланган 30 та жанговар машина, 4 та техник ёрдам кўрсатиш машинаси ва 2 та қўмондонлик-штаб машинаси харид қилинган. Шунингдек, Хитойдан «Хунци-7В» ва «Цянвэй-2» типидаги зенит-ракета комплексларининг модернизацияланган варианtlарини харид қилиш режалаштирилган.

**П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.**

**РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Қозогистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Евроосиё иктиносидий комиссияси коллегияси раиси Михаил Мясникович билан видеоконференция ўтилди. Сұхбатдошлар ташкилот доирасида амалга оширилаётган ишларнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантиришистиқболлари бўйича фикр алмашди. Бундан ташқари, 2021 йилда Евроосиё иктиносидий кенгашига раислик қилиш Қозогистонга топширилиши билан боғлиқ масалага ҳам алоҳида эътибор қаратиб ўтилди.

**МИНТАҚАДА**

**ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАР**

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов ва Афғонистон Президенти Ашраф Гани ўртасидағи телефон орқали мулоқотда икки томонлама ўзаро алоқаларга оид мухим масалалар, шу жумладан Туркманистон-Афғонистон-Покистон-Эрон газ қувури, Туркманистон-Афғонистон-Покистон юқори вольтли электр линияси ва оптик толали алоқа линияси сингари қўшма лойиҳалар, шунингдек, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш масаласи муҳокама қилинди.

**ЯНА БИР ТЕРРОРЧИЛИК АКТИ**

Афғонистоннинг Бамиан вилоятидаги Бамиан шаҳри марказида жойлашган бозор ҳудудида террорчилар томонидан қўйилган иккита магнит бомбаси портлаши натижасида камидаги 17 киши ҳалок бўлган, 50 нафардан ортиқ фуқаролар турли даражадаги тан жароҳатлари олган, деб ҳабар қиласи Tolo News агентлиги. Шунингдек, бозор яқинидаги жойлашган меҳмонхонага ҳам жиддий зарар етказилган. Ҳозирча мамлакатдаги ҳеч бир террорчи гурӯҳ бу портлашга алоқадорликни ўз бўйнига олмаган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.


**МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА**

РЕКЛАМА ЎРНИДА



# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ТАСАРРУФИДАГИ ДЕҲҚОНОБОД ТУМАНИ ЎҚУВ-СПОРТ ТЕХНИКА КЛУБИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз тинчлиги ва  
 чегараларимиз дахлизлигини  
 таъминлаш учун матонат билан хизмат  
 қилаётган Ватан ҳимоячиларини, ёш авлодни  
 ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида фаолият  
 олиб бораётган мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти  
 ходимларини ҳамда барча юртдошларимизни давлатимиз Бosh қомуси -  
 Конституциямиз қабул қилинганинг 28 йиллик байрами муносабати  
 билан самимий табриклайди.  
 Ушбу айём хонадонингизга файзу барака олиб келсин!



**Фурсатдан фойдаланиб, «Ватанпарвар» ташкилоти Дехқонобод тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси тумандаги ҳайдовчилик касбини эгалламоқчи бўлган барча ёшларни «В», «ВС», «С» ҳамда «Е» тоифали ўқув курсларига таклиф этади.**

**Манзилимиз: Дехқонобод тумани Қорашина шаҳарчаси Мамат Аҳмедов кўчаси, 1-уй.**

**Телефон: 93-900-18-22; 90-639-62-03.**





# Bolajon



## MURUVVATLI ILON

(Davomi. Boshi gazetaning o'tgan sonida)

Qirolning shunaqangi qovurilgan o'rdak go'shti yegisi kelib ketibdiki, hatto og'zidan so'lagi oqibdi.

– Hoy, mulozimlar! – qichqiribdi qiro. – Qornim och! Anavi o'dakni tutib, darrov qovuringlar!

Buni eshitishi bilan Bartek o'zini qirolning oyog'iga tashlab, yalina ketibdi:

– Marhamatli qiro, o'rdagimni o'ldirmang!

Kulbaiyi vayronamdan sut, qora non va bir qop un topiladi. Xudo xayringizni bersin, xohlagancha yeng, iching, ammo o'rdagimga tegmang. O'zim uni papalab o'stirdim, burgutdan omon saqladim, sovuqdan asradim.

– Qirolning gapini ikki qilishga qanday jur'at etding, qulvachcha?! – o'kiribdi qiro yertepib.

– Hoy, mulozim, o'rdakni tut!

Itoatkor mulozimlar sho'rlik o'rdakchani tutamiz deb hovlining u boshidan bu boshiga yugura ketishibdi.

– Endi nima qildim? Sho'rim quridi, – o'ylabdi Bartek.

Qirol esa unga yeb qo'ygudek qarab, mo'ylovini dahshatl uchirarmish. Birdan dehqon yigit tojli ilonni eslab qolibdi-yu, sehrini sinab ko'rishga qaror qilibdi. Yerdan gavdasini ko'tarib, hushtak chalibdi. Hushtak tinar-tinmas kuchli dovul turibdi. Dovul hamma narsani uchirib, dumalatib yuboribdi. Bartek mundoq qarasa, qiro havoda parvoz qilib yuribdi, orqasidan qirmizi libosi hilpirab ketyapti. Askarlar bo'lsa, kuzgi xazonday shamolda har tomonga to'zib, uchib yurganmish. Birovi tomda o'mbaloq oshsa, birovi daraxt ustida chirpirak bo'lib yurganmish. Bu vaqt dovul qirolni ham ko'tarib tomga olib chiqib ketibdi. Qirol yiqilib tushmaslik uchun tomga mahkam yopishib olib, ovozining boricha:

– Qorovul! Yordam ber! Hoy mulozimlar, qayoqdasanlar? – deb baqirarmish.

Mulozimlarini ham dovul uchirib ketib, qirolning yonidan o'tib ketishayotganmish.

– Yordam bering! – deb dod solarmish qiro, biroq befoyda. Birov yordamga kelay demabdi. Bartek bo'lsa, qirolning biqinidan tutib olib, maza qilib qah-qah otib kulibdi.

– Xo'sh, qiro, – debdi u, – tag'in ham o'rdagimga ko'zingni ola qilasanmi? Qani, o'rdagimga

tegmayman deb, ont ich! Ont ichsang, dovulni to'xtataman-u, sen ham yerga qaytib tushasan.

– Menga o'rdagingning keragi yo'q, – debdi nafasi tigilib qiro. – Xudo xayringni bersin, shamolni to'xtat!

Bartek bir hushtak chalgan ekan, hammayoq tinchib qolibdi, hatto daraxtning bargi ham qilt etmasmish. Qirol tomdan tushar-tushmas chiyillagan ovozda qichqiribdi:

– Hoy, mulozimlar! Anavi xudobezonini bog'langlar, o'rdakni esa tushlikka qovurib kelinglar!

– Hali qirolik so'zini berganing shumi? – debdi Bartek. – Ha, chuchvarani xom sanabsan!

Shunday deb, u quloqni teshib yuborguday qilib uzun hushtak chalibdi. Hushtak ovozi tinar-tinmas chaqmoq chaqib, momaqaldiroq gumburlabdi, xuddi yer yorilib, osmon to'g'ri qiro bilan mulozimlari ustiga ag'darilib tushayotgandek bo'laveribdi.

Qo'rqib ketgan qiro bilan mulozimlari g'ujanak bo'lib olishibdi, qochib yashirinishga biron pana joy ham yo'q emish: chor atrofni olov yamlab, hali-beri butun borliqni kuydirib kul qiladiganmish.

Yuragi yorilgan qiro yana yalinib-yolvora boshlabdi. Bartek bu safar ham qirolning gapiga ishonibdi.

Tog'larda momaqaldiroq ovozi tinar-tinmas qiro Bartekning qo'llarini bog'lab, o'rdagini qovurishga amr qilibdi.

– Endi, shohim, o'zingdan ko'r! Shafqat so'rab, yalina ko'rma, – debdi azbaroyi g'azablangan Bartek va qattiq hushtak chalibdi.

Sharros yomg'ir quyibdi. Osmondan xuddi daryo toshib tushayotganday bo'libdi. Qirol saroy a'yonlari bilan burnigacha suvgaga botib turar, suv esa ko'paygandan ko'payib, hali zamon hammasini g'arq qilib yuboradigandek bo'libdi. Bartek esa quruq joyda turib, ularni tomosha qilar va qah-qah otib kular emish.

– Bartek, insof qil! Yomg'irni to'xtat! – suv yutib qichqiribdi qiro. – Menga o'rdaging kerak emas. Chin qirolik so'zim!

Lekin Bartek qirolning so'ziga ishonmabdi, axir bir emas, ikki marta laqillatdi-da. Shunda saroy ahllari Bartekka yalina ketishibdi, hamma ayb qirolda, bizning gunohimiz nimada, deb omon qoldirishini so'rashibdi. Bartekning ularga rahmi



kelib, yomg'irni to'xtatibdi. Ko'z ochib-yumguncha suv yerga singib ketibdi, bulutlar tarqalibdi, quyosh charaqlab ko'rinibdi-yu, yerlar quriy boshlabdi. Qirol qirmizi choponini shoxga ilib qo'yishni amr etibdi. Chopon qurigandan keyin a'yonlar uni olib, Bartekning yelkasiga solishibdi. Keyin qirolning boshidan ukparli tojni ham olishib, uni ham Bartekka in'om qilishibdi.

– Bizga sen qiro bo'lgin! Hammadan insofli, hammadan qudratli ekansan! – deyishibdi jangchilar. – Yur, ketdik poytaxtga, taxtga o'tir-da,adolat bilan davlatni boshqar.

Bartek tarang qilib o'tirmabdi. Irg'ib qirolning otiga minib, bir tomonga og'ib qolgan tojini to'g'rilabdi. Jo'nash ishorasini qilib, o'rdakchasin qo'lga olib, sap-sariq tumshuqchasidan o'pib qo'yibdi. Shu payt uning oldida o'rdak emas, sohibjamol malika o'tirganmish. Malika tilga kirib:

– Jodugar kampir meni o'rdakka aylantirib qo'yan edi, sen esa meni bir falokatdan asrab qolding, – debdi mungli ohangda va Bartekning yelkasiga boshini qo'yibi.

Ular poytaxtda qiro va qirolicha bo'lib, saroyda davr-u davron surishib, baxtli hayot kechirishibdi.

**«Jahon xalqlari ertaklari»  
kitobidan olindi.**



### 65-modda.

Farzandlar ota-onalarining nasl-nasabidan va fuqarolik holatidan qat'i nazar, qonun oldida tengdirilar.

Onalik va bolalik davlat tomonidan muhofaza qilinadi.

## Labirint



Sahifani M. MAHKAMOVA tayyorladi.

